

2022

йил — Инсон қадрини
улуғлаш ва фаол
маҳалла йили

“Дунёдаги бугунги мураккаб вазиятда ҳам Ўзбекистон
яшаш ва ишлаш учун тинч ва хавфсиз макон сифатида та-
нилганини ҳеч ким инкор қила олмайди. Биз инвесторлар учун
энг қулай ва экзотик шароитларни яратиш бўйича ҳара-
катларимизни янада жадаллаштирамиз.”
Шавкат МИРЗИЁЕВ.

YANGI SIRDARYO



Жамият — ислохотлар ташаббускори

Ижтимоий-сиёсий, оммавий газета

Муассис: Сирдарё вилояти ҳокимлиги

№ 13 (11564) 1 АПРЕЛЬ 2022 ЙИЛ, ЖУМА

Sirdaryo24.uz Sirdaryo 24 Sirdaryo 24 Sirdaryo 24



Қисқа сатрларда

Президентнинг 15 мартдаги ПК-167-сон қарорига кўра, 1 апрелдан бошлаб ўзгалар парваришига мухтож ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳар йили бир маротаба санаторийларда бепул соғломлаштирилади.

Буйрак трансплантацияси орқали 700 га яқин фуқароларимизнинг ҳаёти сақлаб қолинди — Шавкат Мирзиёев.

2022 йилда тиббиёт соҳасига бюджетдан 24 триллион сўм маблағ йўналтирилади.

2022 йил 1 июлдан бошлаб 3-15 ёшли болаларга йод препаратлари давлат томонидан бепул тарқатилади.

Фуқаролар йиғинлари раислари сайловида тайёргарлик бошланди.

24 февралдан бери икки миллион бола кочок сифатида Украинани тарқатди — ЮНИСЕФ.

ФИФА Қатарда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатининг расмий тўпини тақдим этди.

Самарқандда 500 минг долларга ер сотмокчи бўлган шахслар ушланди.

Ўзбекистон Трансафғон темир йўли қурилишини бошлади.

Сирдарёда қуввати 1 600 МВт бўлган иссиқлик электр станцияси қурилади.

Президентнинг 7 мартдаги ПФ-87-сон фармонида асосан, тадбиркорликни янги бошлаётган хотин-қизларга ажратиладиган субсидия микдори 7 млн сўмдан 10 млн сўмга оширилади.

“Хунарманд” уюшмаси қошидаги хунармандчилик марказларида камида 40 фоиз тадбиркор хотин-қизлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жойлаштирилади. 2022 йилда субсидияларнинг камида 40 фоизи хотин-қизларга йўналтирилади.

Ижарада турган “Аёллар дафтари”га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизларга ижара тўловининг 50 фоизи, кўпи билан 500 минг сўмгача компенсация берилади.

Президентнинг 17 февралдаги [ПФ-74-сон] фармонида кўра, меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ҳамда иш стажига тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам микдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда — 440 минг сўмдан 622 минг сўмгача оширилади.



ЎЗБЕКИСТОН ТУРКИЯНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЭНГ ЯҚИН ВА ИШОНЧЛИ ШЕРИГИ

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган 29-30 март кунлари расмий таширф билан мамлакатимизда бўлди.

Туркия Президентининг мамлакатимизга таширфи доирасида Сирдарё вилоятида замонавий иссиқлик электр станцияси қурилишини бошлаш маросими бўлди. Президентлар раъсий тугмани босиб, Ховос туманида ИЭС қурилишини бошлаб бердилар. Мазкур иссиқлик электр станцияси 220 мегаватт қувватга эга, унда йилига 1 миллиард 700 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Давлатимиз раҳбари маросимда нутқ сўзлар экан, лойиҳанинг аҳамиятига тўхталди, ушбу мажмуа Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик самараларининг ёрқин ифодаси эканини таъкидлади.

Олий даражадаги таширф хорижий экспертларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Улар мазкур таширф минтақамизда тарихий воқеа бўлганини таъкидлаб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилмоқда.

Манабу Симицу: Ривожланиётган иқтисодийлар институтининг фахрий профессори (Япония)

— Тошкентда бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Туркия раҳбарлари савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича катор келишувларни имзоладилар. Ушбу имзоланган салмоқли ҳужжатлар тўплами савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда Ўзбекистон — Туркия муносабатларини янада юкори босқичга кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз, деб ўйлайман.

Маълумки, ҳозирги пайтда Туркия Ўзбекистоннинг бешта энг йирик савдо ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Тошкент ва Анқара икки томонлама

алоқаларни фаоллаштираётгани билан бир қаторда, минтақада янада муҳим ўрин тутаяётгани икки давлат етакчиларининг бўлиб ўтган сўнгги саммитида яққол намоён бўлди.

Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев Афғонистонда иқтисодий ва сиёсий барқарорлик таъминланишига кўмаклашиш бўйича фаол ва амалий ишларни олиб бормоқда. Ўзбекистон — Афғонистон муносабатларини ривожлантириш бўйича ташаббусларни амалга оширишдан ташқари, Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг янги истиқболларини ҳам фаол илгари сурмоқда. Ўз навбатида, Туркия Президенти Россия ва Украина ўртасидаги можаронинг ҳал этилиши бўйича ҳам фаол воситачилик қилмоқда.

Ҳозирда халқаро ҳамжамият сиёсий ва иқтисодий вазият бўйича қийин даврни бошдан ўтказмоқда. Бундай ҳолатда минтақада янги таҳдидларни биргаликда бартараф этиш юзасидан ҳамфикр мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Зулқифли Бахаруддин: Синганурнинг Ўзбекистондаги элчиси

— Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги мулоқотларнинг жадал ва очиклиги, икки томонлама савдо кўрсаткичларининг тез суръатда ўсиши, ҳукумат делегациялари ва минтақалар вакилларининг мунтазам таширфлари ўзаро ишончнинг кучайганидан ҳамда самарали ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган улкан хоҳишдан далолат беради.

(Давоми 2-бетда.)

Бизни этгин халос, моҳи Рамазон!

Ё, Аллоҳ шуқурдир марҳаматингга!
Жоним қурбон бўлсин, сенга эсон
қурбон.

Бало ичра қолган бандаларингга,
Юбординг энг зарур лаҳзада қалқон.
Маҳаму нажотга зор аҳли замон,
Кел эй, халоскорим моҳи Рамазон!

Кел эй, нафсимизни кишианга маҳкам,
Иймон сувин ичир башар зотиға.
Тўхтат, ҳалокатда ёнмоқда олам,
Чек қўй, инсоният талофотиға.
Гуноҳлар ўтида жумлаи жаҳон,
Аллоҳга оҳимиз етқаз, Рамазон!

Оламлар сарвари, Ҳақ Пайгамбари,
учун Еру кўкни яратди Аллоҳ.
Қора нон еди оч қолган пайтлари,
Қўлбада яшади мускин ва қашшоқ.
Бугун айшу шират чоҳида замон,
Суннат эшигин оч, моҳи Рамазон!

Бизларни йўқдан бор этди Яратган.
Лозим эди иймон ҳар он, ҳар жойда.
Аммо банда бўлдиқ бизлар адашган,
Бизнинг Худомиз - пул, Худомиз -
фойда!

Ёлгон кўчаларда жону тан сарсон,
Тўғри йўлга бошла, бизни Рамазон!

Жони талвасада, жони гаровда
Халқумни кўйдирар васваса, фарёд.
Ярми нажот излар, ярми оловда,
Ярми алақачон қурбон, одамзод.
Келгин балолардан қолдиргин омон,
Қалбимизга бўлгин қалқон, Рамазон!

Муҳаммад ИСМОИЛ

Қисқа сатрларда

Ўзбекистондаги барча масжидларда Тарових намозлари, 1 апрель, Жума кунидан ўқилиши бошланади!

Президентнинг 7 мартдаги ПФ-87-сон фармони билан тўлиқ қувват билан ишламаётган давлат боғчаларига 2 ёшдан 3 ёшгача болаларни пуллик хизмат кўрсатиш шаклида қабул қилишга рухсат берилади.

Президентнинг 28 январдаги ПФ-60-сон фармонида кўра, нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга фарзандларини юбораётган ота-оналарнинг ойига 3 млн. сўмгача бўлган тўловлари даромад солиғидан озод этилади.

Сирдарёда 7 млн. 700 минг доллар криптовалюта ноқонуний ишлаб чиқарилган.

Сирдарё вилояти Боёвут туманида криптовалюта билан шуғулланувчи ноқонуний «майнинг ферма» фаолиятига чек қўйилди.

ЎЗБЕКИСТОН ТУРКИЯНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЭНГ ЯҚИН ВА ИШОНЧЛИ ШЕРИГИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Туркиянинг Марказий Осиёдаги энг ишончли ва узок муддатли шерикларидан бири бўлиб, Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги икки томонлама стратегик шериклик муносабатларининг янада мустаҳкамланиши минтакавий даражадаги иктисодий жараёнларга ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Сўнгги йилларда ҳамкорликнинг янги тармоклари бўйича истикболли йўналишлар очилмоқда. Хусусан, давлат раҳбарларининг савдо-иқтисодиёт, инвестиция, транспорт, тўқимачилик саноати, энергетика, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, маданий-гуманитар алмашув каби соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш тўғрисидаги баёлотлари алоҳида эътиборга моликдир.

Режеп Таййип Эрдоғаннинг Ўзбекистонга ташрифининг биринчи кунида Тошкент вилоятида замонавий иссиқлик электр станциясининг ишга туширилиши ҳамда Сирдарё вилоятида худди шундай станцияни куриш

лойиҳасининг бошланишига бағишланган маросимнинг ўтказилиши яна бир муҳим воқеа бўлди. Ушбу тадбирлар томонларнинг кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган интилишлари нақадар жиддий эканлигини кўрсатади.

Владимир Гальперин: Латвиядаги “Ўзбекистон” савдо уйининг раҳбари – Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи кўп йиллик дўстлик ва ўзаро ишончга асосланган серкирра ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига имкон беради, деб ўйлайман.

Олий даражадаги Ўзбекистон – Туркия стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши сиёсий мулоқот, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор масалаларини муҳокама қилиш ҳамда илгари суриш учун яхши платформага айланди. Шунингдек, бу умумий тарих, тил, урф-одатлар, маданият ва бошқа муштаракликларга эга бўлган қардош мамлакатларни янада яқинлаштиради.

Саноат кооперациясини кучайтириш, катта камровдаги инвестиция лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш, шунингдек, ўзаро савдо ҳажмларини сезиларли даражада оширадиган экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга бўлгани ҳолда бу, энг аввало, икки мамлакатнинг иқтисодий фаровонлигига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Шерадил Бактигулов: Қирғизистонлик сийсатшунос

– Туркия Президентининг Ўзбекистонга ташрифи бутун Марказий Осиё минтақаси учун катта сиёсий аҳамиятга эга. Туркия учун стратегик жиҳатдан муҳим мамлакат, минтақада катта сиёсий салмоққа, шунингдек, жиддий иқтисодий салоҳиятга эга ҳамда минтақанинг барча мамлакатлари билан чегарадош бўлган Ўзбекистон билан яқин икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш муҳим ва зарур, албатта.

Шубҳа йўқки, икки давлат раҳбарларининг ишлаб чиқариш ва илм-фан соҳаларида янги сармоявий ва иқти-

содий лойиҳаларни амалга ошириш истикболларини муҳокама қилишга бўлган ижобий муносабати бу йўналишдаги алоқаларни янада ривожлантириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Худди сўнгги уч йилда савдо айланмасини кескин оширишга эришилгани сингари бу борадаги ўзаро муносабатларни сезиларли даражада жадаллаштириш бўйича катта захира мавжуд. Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги савдо айланмаси 2021 йил якунлари бўйича 3,4 миллиард долларни ташкил қилди. Истикболда эса томонлар бу кўрсаткични дастлаб 5 миллиард долларга, сўнгга 10 миллиард долларгача кўтариш ниятида собитдир.

Шунингдек, Туркия учун ўзининг Жанубий чегараларида мавжуд бўлган терроризм ва экстремизм таҳдидларини зарарсизлантириш кун тартибидagi масалаларни кўриб чиқиш қисми бўйича йирик ҳамкорлар керак. Бу борада фаол сийсат олиб бораётган Ўзбекистон эса ана шундай мамлакатлардан биридир.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.



“ЮКСАЛИШ” — ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

28 март куни “Янги Сирдарё”-“Новая Сырдарья” газетлари таҳририятида “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Бобур Мансурович Бекмуродов билан учрашув бўлди. Уни бош муҳаррир Муҳаммад Исмоил бошқариб борди.

Дастлаб Бобур Бекмуродов “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг фаолият йўналишлари ҳақида мухтасар сўз айтди. Нотикнинг гапларидан шу нарса аён бўлдики, ҳаракатнинг фаолияти бағоят кўпқиррали экан. Халқ ва бизнес ҳамжамияти билан очик мулоқотни йўлга қўйиш, жамоатчилик назоратининг самарали тизимини шакллантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат но-тижорат ташкилотлари, шунингдек, фуқаролар, айниқса, ёшларнинг савий-ҳаракатлари ва кучларини сафарбар этиш Ҳаракат фаолият камровининг асосий йўналишлари сирасига қиради.

Бобур Бекмуродов ислохотларнинг амалга оширилиши, давлат ва миллий дастурларнинг бажарилишида жамоат-

чилик назорати ўта муҳимлигини алоҳида урғулади. Бу йўналишда ОАВ билан ҳамкорлик яхши натижалар бера-жагини таъкидлади.

— Президентимизнинг ташаббуслари билан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси дастлаб умумхалқ муҳокама-сига қўйилди, — деди Б.Бекмуродов. — Натижада фуқаролардан тушган таклифлар асосида муҳим ҳужжат яна тўртта банд билан бойиди. Галдаги вазифа Ҳаракатлар стратегияси бандларининг жойларда бажарилишини қатъий назорат қилишда қолмоқда.

Жорий йилнинг 28 январ куни мамлакатимиз Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт страте-гияси тўғрисида”ги Фармони

қабул қилинди. Мазкур Фармонда “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг Тараққиёт стратегияси ижроси бўйича жамоатчилик назоратини ўр-натиш ва унинг амалга оши-рилишида фаол фуқаролик жамиятини жалб этишга оид таклифи кенг қўллаб-қув-ватланди. Шунга мувофиқ республиканинг барча ҳудуд-ларида нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ах-борот воситалари вакиллари, экспертлар ва маҳалла фаол-ларидан иборат Тараққиёт стратегиясини қўллаб-қув-ватлаш жамоатчилиги гу-руҳларини ташкил этиш ишлари бошланди.

Хусусан, жорий йилнинг 28 март куни “Юксалиш” умум-миллий ҳаракати Сирдарё вилояти ҳокимлиги, вилоят ҳудудида фаолият олиб боров-

чи нодавлат нотижорат таш-килотлари, оммавий ахборот воситалари ва фаоллар билан ҳамкорликда Сирдарё вило-ятида Тараққиёт стратеги-ясини қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги гуруҳи тар-кибини тасдиқлаш ва гуруҳ-нинг ташкилий йиғилиши-ни ўтказишга бағишланган машварат ташкиллаштирди. Унда Тараққиёт стратегиясини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамияти, айниқса, масъул идоралар томонидан юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажари-лиши юзасидан жамоатчилик мониторинги ва жамоатчилик назорати каби тадбирларни ташкил этиш билан боғлиқ масалалар бўйича атрофлича тушунтиришлар берилди.

Фармонда белгилангани-дек, давлат идоралари амал-га оширилган ишлар бўйича “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ташаббуси билан ташкил этилган жамоат гу-руҳларига доимий равишда ҳисобот бериб боришлари ва шу орқали Тараққиёт стра-тегиясида белгиланган мақ-садларга эришилганлик бўйича йиллик муқобил хи-сobotлар эълон қилишлари қайд этилди. Эътиборлиси, ушбу ҳисobotлар орқали жой-лардаги маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятига баҳо берилиши алоҳида таъкид-ланди.

Бир сўз билан айтганда, “Юксалиш” умуммиллий ҳа-ракати мамлакатимизни барча жабҳаларда юксалишига хиз-мат қиладиган хайрли ишлар-га бош-қош бўлиш йўлида са-марали ҳаракат қилмоқда.

Учрашувда Бобур Бекму-родов журналистларни қи-зиктирган саволларга жавоб берди.

МАҲМЕДОВ.
Сурагта: учрашувдан лавҳа.

Фойдали ва зарур нар-салар учун бизда пул то-пилмайди, аммо қўнғил-хушлик учун ҳамийша пул топамиз.

(Оноре де Балзак)

Қўп пул топиш – жасо-рат, уларни сақлаб қолиш – донишмандлик, билиб сарфлаш эса – санъаткор-ликдир.

(Б.Авербах)

Пул инсонни бахтли қилолмайди, аммо пул-сизлик инсонни албатта бахтсиз қилади.

(Мирак Ихраб)

Камга эга бўлган қаш-шоқ эмас, қўнни истайдиган қашшоқдир.

(Сенека)

Оз пул қарз берсанг, бу одам сиймосида дўст орт-тирасан, катта пул қарз берсанг, ўзингга душман орттирасан.

(Сенека)

Оз пул берсанг, қайта-риш учун қарздор сени из-лайди, катта пул берсанг, қайтариб олиш учун сен уни излайсан.

(Мирак Ихраб)

Бойликка қарши кура-шиш учун ҳам пул керак.

(Жон Стейнбек)

Ҳаёт ва пул ҳақида уларнинг охири кўрина бошлаганда ўйлашади.

(Эмил Кроткий)

Бой бўлсанг, бойликдан нафратланишинг осон ке-чади.

(Андре Моруа)

Текин нон фақат қопқон-да бўлади ва иккинчи бў-либ келган сичқонга насиб қилади.

(Мирак Ихраб)

КЕЛАҚОЛ, ЖОНИМ РАМАЗОН!

Ассалому алайкум!

Авваломбор барчангизга тобора яқинлашиб келаётган моҳи Рамазон муборақ бўлсин! Рамазон биз учун, Аллоҳга кўпроқ тоат ибодат қиладиган, қалбимизни поклайдиган, нафсимизни жиловлайдиган, ўю ҳаёлимизни ёлгон кўчалардан йиғиштириб оладиган, орзу умидларимизни иймон тарозусида ўлчайдиган, бежо хатти ҳаракатларимизни ақида тартибига соладиган, киёматда нима деб жавоб беришимизга ҳозирлантирадиган, маънан тозаланиб, янги ҳаётга гўдакдек покиза ва бегуноҳ кадам ташлашимизга тайёрлайдиган муқаддас ойдир.

Азиз Сирдарёликлар! Кечагина бир ой тинимсиз ёккан ёмғирни кўрдик, куни кечагина Ер юзида каронавирус балоси оловдай ўз оташини сочиб турганини ва минглаб бегуноҳ инсонлар кирилиб кетганини кўрдик, Сардоба тошқини талофатини кўрдик, бу офатлардан эсон омон чиқиб олганимизга шукроналар келтирайлик, бу балоларда инсониятнинг айби борми йўқми бу ёлғиз Яратганга аён, лекин нима бўлганда ҳам, Рамазон ойининг кириб келаётгани, ҳалоскор кунларнинг кириб келаётганидай одамнинг қалбига равшанлик, ёруғлик ва умид бағишлайди. Шояд, кўпроқ тоат ибодат, тавба тазарру қилсагу Аллоҳ таоло барча билиб, билмай қилган гуноҳларимизни, айбларимизни, хатоларимизни, ошкор ва яширин жиноятларимизни, осийликларимизни кечирса. Ношукур ва исёнкор чоғларимиз учун жазонинг бахридан ўтса, талтайган чоғларимиз учун авф этса.

Аллоҳ таоло бутун Ер юзини ўзининг ҳабиби, сарвари коинот Муҳаммад мустафо (с.а.в.) учун яратдилар. Ва барча одамларни ўзининг бандаси эканлигини англагувчи Қуръони каримни айнан Рамазон ойида нозил қилишни бошлади.

Муҳаммад (с.а.в.) ҳаётларини бизга ўрнатди, суннат деб ўргатдилар.

Муҳаммад (с.а.в.) ҳаётларининг ҳар бир лаҳзасида Аллоҳ таоло ёди билан яшади, тоат ибодатда бўлди,

Аллоҳ буюрган ишни бажарди, Аллоҳ қайтарган ишдан қайтди. Хўш, биз жаноб Ҳақ Пайғамбаримизнинг қайси ишини қиялпимиз? Пайғамбаримиз қавмининг улуғларидан Абу Толибнинг хонадонларида туғилиб, дунёнинг ярмини ўзларига тобе қилиб турган, 63 йиллик умрлари давомида бирор марта оқ ундан пиширилган нондан емаган эканлар. Онамиз Сафияга уйланаётганларида дастурхонда бор йўғи уч тўрт дона хурмо, уч тўрт дона қурт, пиёладек қатталиқда сариёғдан бўлак ҳеч нарса бўлмаган экан. Саҳобийлар Расулulloҳ (с.а.в.)ни ўз уйларида меҳмонга чақирганларида тансиқ таом сифатида кепакдан тайёрланган нон билан эъзозлаган эканлар. Расулulloҳ элак нималигини билмаган, арпани майдалаб, пуфлаб шопирган, арпани пўстлоғи учгани учган, қолгани нон сифатида ейилган экан. Расулulloҳ жаноблари хатто арпа нонига ҳам тўймай бу ёруғ оламдан ўтиб кетган эканлар. Мана биз ўрнатқилишимиз лозим бўлган инсоннинг ҳаёти. Аммо, қайси биримиз ўрнатқилишимиз? Орамизда бирорта ҳам оқ нон емаган одам йўқ. Орамизда бирорта элакни кўрмаган, арпани шамолда шопириб, унинг арпа пўстлоғига қўшиб еган одам йўқ. Орамизда уйланганида тўйини уч тўрт хурмо, уч тўрт қурт, пиёладек қатталиқдаги сариёғ билан ўтказган бирорта ҳам одам йўқ. Азиз меҳмонини кепакдан тайёрланган нон билан эъзозлаган мезбон ҳам бирорта йўқ. Майли бўлмасин ҳам. Худога минг қатла шукр, Ўзбекистонимиз бой ва бадавлат, ерлари серҳосил, дунё тамаддунида ўзининг буюк мавқеига эга давлатлардан бири. Аммо орамизда ношукурлар кўп. Кўзи очлар, Худонинг ризқ берувчи қудрати-га ишонмайдиганлар кўп. Худди мана шу нарса инсонни диндан чиқаради. Пайғамбаримиз озик овқат тақчиллик пайтида озик овқатни ғамлаш, лозимидан ортикни беркитиб қўйиш, ўз нарихидан қиммат сотиш, қийин аҳволдан

фойдаланиш ҳаром, дедилар. Бутун олам тобе бўлиб турган пайтда ҳам уйларида бир кунлик овқатдан ошиғини сақламадилар. Рўзаи Рамазон кунлар Пайғамбаримизни мана шу суннатларини ёдга олайлик. Камтар ва камхаржроқ бўлайлик. Оч қолганимизда биздан ҳам очроқ, камхаржроқ одамлар борлигини унутмайлик. Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. “Муъмин битта ичакка ейди, мунофиқ кофир етти ичакка ейди”, деганлар. Аслида очкўз-

мунаввар этгучи, умримизни ризку баракага лиммо-лим қилгучи, хонадонларимизга файзу фаровонлик келтиргучи, меҳр оқибатимизни зиёда қилгучи, касб қоримизга, илмимизга олийлик мақомини бахш этгучи, тўқинчилик сочинлик келтиргучи муқаддас ойдир.

Хўш келдинг Рамазон! Сенга эшиқларимиз очиқ, сенга қалбларимиз очиқ, сенга тафаккуримиз очиқ, сенга жону-ганимиз очиқ! Сенинг йўлла-



лик коронавирусдан ҳам баттар касалликдир. Коронавирусдан ўлган одам шаҳид мақомида кетади, очкўзлик туфайли ўлган одам тўғри жаҳаннамга мубтало бўлади. Рамазон одамлар тавба тазарру қиладиган, гуноҳлардан покиза бўлишга тайёрланадиган, камхарж, камсуқум, камтар, кам ейишга ўрганадиган ойдир. Рўзанинг хикмати шу қадар улўғки, саҳобаи икромлар бутун умр рўза тутушни орзу қилганлар.

Рамазон ойида ҳар куни осмону фалақдан етмиш минг малоика тушиб, бандаларнинг дуосини арш токига олиб чиқиб туради ва бу дуолар албатта ижобат бўлади. Рўза қалқондир. Рўза - бизни бало қазолардан асрагучи, қалбларимизни иймону эътиқод билан тўлдирувчи, ҳаёт йўлларимизни

рингга йиғлаб интизоримиз! Ўз шифокорини қутган ҳастадек, йўлларингга интизоримиз. Йўл тополмай турган одам, ўз йўлини топган одамдек, сенинг келишингдан қувончдамиз. Сен Аллоҳнинг аршидан жаннат нафасини олиб келмоқдасан. Сен келаётганингда дўзах эшиқлари шарақлаб ёпилгани эшитилади. Сен келаётганингда занжирбанд шайтонларнинг хузурбахш оху фиғони кўкни тутди. Сен келганингда оламини шундай ифтор эгаллайдики, жаннатдан тушган бу бир қултум нафас, ер юзининг барча гулу райхонларининг ифторидан минг чандон кўпроқ, минг чандон хушбўйроқдир.

Келақол, жоним Рамазон!

Муҳаммад ИСМОИЛ

БУЮК ҚАЛБ СОҲИБИ

Жорий йилнинг 29 март санасида Ховос тумани “Қорақум” маҳалласидаги 2-умумий ўрта таълим мактаби ММИБДУ А.Отажонов, бошланғич синф ўқитувчиси Озода Назарқулова, ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи Гулчеҳра Ўрозовалар томонидан элимизнинг ардоқли шоири, Ўзбекистон, Қозғистон, Тожикистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси Муҳаммад Исмоил билан “Буюк қалб соҳиб” номли ижодий-маърифий учрашув ташкил этилди. Тадбирга Озода Назарқулова шоирнинг ватан, ота-она, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, муҳаббат, садоқат ҳақида шеърларидан намуналар ўқиган ҳолда бошловчилик қилди.

Тадбирда Адолат социал демократик партияси вилоят Кенгаши раиси Ж.Комилов, Тасвирий ойна ижодий уюшмаси вилоят бошқаруви раиси Х.Юнусов, Ховос тумани Халқ таълими бўлими мудири Ф.Худойназаров, Ховос тумани ва Оқолтин тумани мактаблари ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилари, 2-мактаб кузатув кенгаши раиси Ж.Ибрагимов, вилоят



ОАВ вакиллари, мактаб ўқитувчилари, ўқувчилар, шеърят ихлосмандлари, “Қорақум” маҳалла фуқаролари, мактаб кузатув кенгаши аъзолари ва бошқалар иштирок этдилар. Тадбирда Муҳаммад Исмоилнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг асарлари, шеърлари тадбир қатнашчилари, мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари томонидан ташкил

этилган бадиий чиқишлар орқали амалга оширилди.

Тадбирга вилоятимизнинг ёш умидли санъаткори Д.Жабборов томонидан шоир қаламига мансуб шеърлардан яратилган кўшиқлар ва 2-б синф ўқувчилари томонидан тайёрланган бадиий чиқишлар ўзгача файз киритди. Ўз навбатида мактабнинг 8-синф ўқувчиси Гулсевар Йўлдошева ва

5-синф ўқувчиси Жасурбек Тўйчиев йиғилганларга ўзлари ёзган шеърлардан намуналар ўқиб бердилар.

- Ижодкорлар билан бундай ижодий учрашувларнинг ташкил этилиши, айниқса чекка туман ва қишлоқларда таҳсил олаётган ўқитувчилар-ўқувчилар, уларнинг ота-оналари учун ҳам ўзига хос кўтаринчилик, ижодий

мотивация беради деб айта олам, - дейди 2-синф ўқувчиси Асилбек Зоитовнинг буви Санобар Отаева. Натижада юқорида шеър ёзган ўқувчилар сингари ижодкор ўқувчилар сони яна ортади деб ўйлайман.

- Вилоятимизда бугунги кунда 318 та умумий ўрта таълим мактаблари мавжуд бўлиб, энг чекка ҳудудлардан бири бўлган “Қорақум” маҳалласига сеvimли ижодкоримизнинг ташриф буюриши маҳалламиз фуқаролари, ўқитувчилар-ўқувчиларни ҳам янада ижодкорликка ундайди десам муболаға эмас, - дейди мактаб директори Т.Мавлянов. Биз келгусида бундай ижодий учрашувларни кўпроқ ташкил этишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Тадбир сўнггида Муҳаммад Исмоил тадбир иштирокчиларига таклиф учун ўзининг миннатдорчилигини изҳор этиб, мактаб маъмуриятига ўзининг бир қанча китобларидан совға қилди.

Баҳром БОЙМУРОДОВ,
Оқолтин тумани 13-умумий ўрта таълим мактаби ижодий маданий масалалар бўйича тарғиботчи.

Ширин шаҳрида Аҳолини рўйхатга олиш жараёнига тайёргарлик

Маълумки, мамлакатимизда 2023 йилда аҳолини рўйхатга олиш ишлари амалга оширилади ва бу жараён 2023 йилнинг 1-25 ноябр кунлари амалга оширилиши белгиланган. Шу мақсадда, 2020 йилнинг 11 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 710-сонли қарори қабул қилинди. Қарорга асосан жорий йилнинг 1-июлидан республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида РҲҲАТГА ОЛИШ БҲҲИМИ ташкил этилиб, ходимлар 2024 йилнинг 1-январига қадар иш фаолиятини олиб борадилар.

Шунингдек, бу жараёнда мукамал кадастр харитаси яратилади. Хусусан, ҳудудларни хариталаш, аҳоли пунктларидаги уйларнинг рўйхатини тузиш билан боғлиқ масала. Турар ва нотурар жойларнинг аниқ сони, ҳолати масалан фойдаланилмай ётган ёки мудлатини бўлган биноларни белгилаб олиш билан тегишли ҳудудларда уй-жой, саноат объектларини қуриш ва тамирлаш масалаларига ойдинлик киритиш мумкин бўлади. Бир сўз билан айтганда, республиканинг янги мукамал кадастр харитаси яратилади.

Ширин шаҳар статистика бўлими
етакчи мутахассиси: Д.Шокирова

Ҳайвон ҳайвонни эмас, инсон инсонни сотди

Одам савдоси инсоният цивилизациясига, ҷамият тарққиёти ва давлатлар ривожига жиддий хавф туздиради. Шу сабабли одам савдосининг ҳар қандай кўринишига қарши кураш бугун халқаро даражада долзарб муаммо бўлиб турибди.

Вилоят адлия бошқармаси ҳамда "Истикболли авлод" республика ижтимоий-ахборот маркази вилоят бўлими билан ҳамкорликда Мирзаобод туманида жойлашган 532-сафарбарлик чакирув резерви батальонида "Одам савдосига қарши курашишда бирлашамиз" шиори остида тарғибот тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда адлия бошқармаси масъул ходими Х.Сулайманбекова, "Истикболли авлод" нодавлат-нотижорат ташкилоти вакили Ф.Тўракулов одам савдосига қарши курашишда давлатлар ва ташкилотлар ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилсагина самарали натижага эришиш мумкинлиги юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Айрим кишиларнинг соддалиги ва ишонувчанлиги

сабабли моддий муаммоларни тезда ҳал этиш илнжи, енгил иш топиш, тез бой бўлиш орзуси, етарли ҳуқуқий билимга эга эмаслиги, лоқайдлик ва нопок кимсаларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари, трансмиллий жиноий гуруҳларнинг ихтисослашувига сабаб бўлмокда, — дейди Ф.Тўракулов.

Шунингдек, тадбирда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун ва амалдаги юбошқа қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатлар мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди.

Қолаверса, мавзуга доир видеороликларнинг намоиши этилиши, кўргазмалар тарғибот материалларидан фойдаланилиши тадбир таъсирчанлигини оширди.

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўлими.

Кўшиқ айтадиган галстук

Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажонов ҳикоя қилади: - Бир кун устоз Комилжон Отаниёзов билан байрам тадбирида қатнашадиган бўлиб қолдик. Айтилган жойга борсак репутация жараёни кетаётган экан. Саҳнада тўрт-бешта, оппоқ кўйлақ, қора кастюм — шим, галстук тақиб, башанг кийиниб олган болалар, ҳирллаб кўшиқ айтиб тургани устидан чиқиб қолдик. Режиссёр кўшиқни айттиролмай фигони фалак, Комилжон акага қараб, - Устоз буларга бир нарса денг, ҳозир одамларнинг олдига чиқамиз, шарманда бўлмайлик, одамга ўхшаб кўшиқ айтишсин, - деди.

Шунда Комилжон уста кўшиқчиларга яқин келди-да: - Ҳов болалар, кўшиқни манави бўйингиздаги галстук айтмайди, эгингиздаги ялтироқ кастюм айтмайди, кўшиқни манави томоқ айтади, манави юрак айтади! Шунинг учун, яхши кийинишдан аввал, яхши кўшиқ айтишини ўрганиш керак. Одамлар сизни кийимингизни кўришга эмас, кўшигингизни эшитишга келади. Кийимни ҳамма қия олади, аммо ҳамма ҳам кўшиқ айтмайди. Кўшиқ айтмасаларинг саҳнани бўшатиб қўйинглар, бу кийим билан кўчада юринглар, кўчада! — деди. Болаларнинг рангги бирпасда қув ўчиб кетди. Бу дакки мен учун ҳам бир умрлик сабоқ бўлди. Ҳаргал янги кийим олганимда, аввал овозимни авайлашим, кийимимдан кўра овозим яхшироқ бўлиши керак, деган фикр ҳаётимдан ўтади. Ўшандан буён овоз мен учун, ҳаммаша биринчи даражали, кийим кечак эса иккинчи даражали эҳтиёж бўлиб келган.

Мухаммад ИСМОИЛ



РЕЖАСИЗ ИШ, ОДАМГА ТАШВИШ

нега кўчалар номи бот-бот ўзгармоқда?

Бундан уч йил муқаддам "Сирдарё ҳақиқати" газетасида "Кўчалар, кўчалар, беном кўчалар" сарлавҳали мақоламиз эълон қилинган эди. Унда 2014 йилда барпо бўлган Боғистон маҳалласи Янгиобод массивидаги кўчалар номланмагани танқид қилинган. Орадан бироз муддат ўтгач, танқид ўз кучини кўрсатди — кўчаларимизда номлар дарж этилган лавҳалар пайдо бўлди. Бироқ бир нарса аҳолини ҳайрон қолдирди. Мавзедаги 8 та кўчанинг барчасига бир хил — Янгиобод массиви кўчаси деб ном берилиб, рақамланиб кетган эди. Бу айрим ҳолларда қутилмаган кийинчиликларни келтириб чиқарарди. Масалан, бемор "Тез ёрдам"га мурожаат қилса, шифокор хуноби чиқиб: "Нечанчи кўчадасиз, чиқиб тулинг?!" - дея огоҳлантиришга мажбур бўларди.

Шу ҳафта массивимиз ҳаётида яна бир янгилик содир бўлди. 8 та кўчанинг ҳар бирига алоҳида номлар берилиб, лавҳалар илиб чиқилди. Кўпчилик хурсанд бўлди. Бироқ шу ишни етти ўлчаб бир кесган ҳолда уч йил олдин қилса бўларди-ку! Ўшанда икки қарра харажатга йўл қўйилмаган бўларди. Бир факт: барча кўчаларга битта ном берилган пайтда

Ана, халос!

ҳам хонадон соҳиблари тайёрланган лавҳалар учун ёнларидан маблағ тўлашган эди. Кеча ҳам кўча номи ёзилган ҳар бир лавҳа учун хонадон соҳиблари 15 минг сўмдан пул беришди.

Мазкур масала юзасидан изоҳ беришни сўраб Мирзаобод тумани ҳокимининг давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси Сафар Шералиевга мурожаат қилдик.

— Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2021 йил 7 апрелдаги 121/29-6-сонли қарори билан бир хил аталган барча кўчаларнинг ном-

ланишини ўзгартирдик, — дейди С.Шералиев. — Бутун бир массивнинг кўчаларини бир хил ном билан аташ хато бўлган. Қолаверса, 2023 йилда мамлакатимизда муҳим сиёсий тадбир — аҳолини рўйхатга олиш компанияси бошланади. Бунда ҳар бир кўчанинг айрича номланиши муҳим аҳамият касб этади. Аҳолидан лавҳаларга пул йиғиш масаласига келсак, бу ишни тадбиркорлар амалга оширган. Сарфлаган харажатларини чиқариб олишлари керак. Бюджетдан кўча номлари ёзилган лавҳалар учун маблағ ажратиш кўзда тутилмаган.

Туман ҳокимлигининг хатоси билан кўчаларнинг такрор номланиши аҳоли ҳамёнига зарарга ишломқда. Тўғри, 15 минг сўм унчалик катта маблағ эмасдир. Бироқ тепада турган бошлар яхши ишламаса, бундай хатолар тез-тез такрорланаверади. Қачон бизнинг миллатимиз ҳам бир ишни пухта режалаштириб, бажаришга ўрганади? Мана шу қусур кишида ташвиш уйғотади.

Мухаммадали АҲМАД.

Тасвирда: энди бизнинг кўча хассос шопиримиз Абдулла Орипов номи билан аталди-диган бўлди.



БИЛМАЙИН БОСДИМ ТИҚОННИ

Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан Сирдарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбасари маҳаллий МЧЖ вакилидан муқаддам пора сифатида олган 14,5 минг доллардан 5 минг долларини қайтариб бераётган вақтида қўлга олинган ҳақида ахборот жамиятимизда кенг муҳокамага сабаб бўлмокда.

Аниқланишича, 2021 йилда прокуратура органлари томонидан мазкур МЧЖ мансабдор шахсларига нисбатан кўзғатилган жиноят иши доирасида жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти бўйича солиқ идоралари ҳужжатли тафтиш ўтказган.

“Ўша даврда вилоят Давлат солиқ бошқармасида бош инспектор бўлиб ишлаган мазкур мансабдор шахс аниқланган 900 млн сўмга яқин молиявий хато ва камчиликлар бўйича белги-

ланиши лозим бўлган 300 млн сўмлик жарима миқдорини 72 млн сўмга камайтириб бериш эвазига 14,5 минг доллар миқдоридан пора олган”, - дейилади ДХХ хабарига.

Ҳозирда унга нисбатан ДХХ Тергов бошқармаси томонидан Жиноят Кодексининг 210-моддаси (пора олиш) билан жиноят иши кўзғатилиб, қамок эҳтиёт чораси қўлланилгани айтилди.

Порахўрлик ва коррупция ўзбек жамиятининг ривожланишига, хусусан, демократик янгилаш хамда модернизациялаш жараёнига ҳар жиҳатдан халақит бермокда. Гарчи бу масала узоқ йиллардан бери таъкидланиб, “қўлга тушган” амалдорлар телевидение ва матбуотда намоиш этилганига қарамасдан, суд, прокуратура, идора раҳбарлари ҳамда оддий фуқароларнинг қон-қонига сингиб кет-

ган феодализм саркитлари, таъмагирлик, бюрократия жамиятимиз ҳаётидан йўқолиб кетмапти.

Коррупция ботқоғига ботган амалдорлар жамият таракқиётига гов бўлиб, умри халққа хиёнат қилиш, ёш авлод онгини захарлаш билан ўтишини энди жамоатчилик яхши тушунади. Бу иллатга қарши кураш-тоза виждонли, ориятли инсонлар қалб амрига айланмоғи лозим. Дарҳақиқат, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳалол одам ҳаётида ғолиб бўлиб, бахтли — саодатли яшайди. Бугун бутун жамиятимиз ана шундай покиза ҳаётга интиломқда.

Ҳар биримиз коррупцияга қарши бирдамликда курашсак, натижа ҳам шунга яраша бўлади.

Ж.КОМИЛОВ,
Адолат СДП Сирдарё
вилоят Кенгаши раиси.

Замонамизнинг етук олими ёки машхур киши-сидан бу даражага эришишингизда кимнинг хизматлари катта бўлган, - деб сўрасангиз, қандай жавоб беришини биласизми?

Менинг ота-онам оддий инсонлар эди, ёшлик чоғларимда уйимизга бирор меҳмон келса албатта китобхонлик, шеърхонлик, ғазалхонлик, куй-қўшиқ, дostonлар, тарихий асарлар, аждодларимизнинг бой маънавий-илмий мероси ҳақида суҳбатлар тонггача давом этар эди. Менинг илм-фанга, санъатга, ижодга қизиқишим ана ўша вақтлардан бошланган деб айта оламан. Бу ўринда ота-онамнинг хизматлари бекиёс, улар мени китобга ошно бўлишим учун барча шароитларни яратиб берганлар. Улар етук олим бўлмасда, ўқимишли, илм-фанга, ижодга, санъатга қизиқиши бекиёс улкан даражада бўлган. Шу сабабдан ҳам уйимизга тез-тез илм ва ижод аҳли ташириб буюриб турар эди.

Энди бугунги кундаги “Ёш ижодкорлардан” сизни бу даражада ижтимоий тармоқларда машхур бўлишингизга нима ёки ким сабаб деб сўрасангиз, улар ҳам ҳудди шу каби жавоб беришади. Яъни, ота-онам ёшлигимда зехминни, қизиқишимни кўриб, менга замонавий телефон ва компьютер олиб беришди. Шундан кейин мен ижтимоий тармоқлардан ўзимга бир канча “дўстлар” орттирдим. Ижтимоий тармоқлардаги оммабop сайтларни кузата бошладим. Нима килсам мен ҳам “Интернет” юлдузига айланаман деган савол мени кўп қийнар эди. Шу тариха қисқа муддатлар ичида “Тик Ток”, “Фейсбук”, “Телеграм”, “Инстаграм” ижтимоий тармоқларида ўзимнинг саҳифаларимни очдим. Пировардида ёшларбop қисқа-қисқа роликларни ижтимоий тармоқларга жойлай бошладим. Шу-шу менинг бу роликларим ёшлар орасида оммалашиб менга шон-шухрат олиб келди десам бўлаверади.

Ана энди ўз танамизга бир ўйлаб кўрайлик, бугунги кун билан яшовчи замонавий “кахрамонлар” (Lost Generations – бекарорлик, депрессия шароитида туғилган, худбин, лоқайд, жамиятга фойдаси тегмайдиган, аламзада каби) тоифасидаги авлод бизга керакми ёки, илм-маърифатни улугловчи, санъат ва ижодни кадрловчи, аждодлар

МУАММО ЗАМОНДАМИ, ИНСОНДАМИ...

илмий-маънавий меросини хурмат қилувчи миллат вакиллари зарурми.

Бугунги давр талаб этаётган, ўз-ўзини бошқариш ўз-ўзини назорат қилиш системаси, аждодларимиз ҳаётида ўрнини муҳим ва муқим топган эди. Ижтимоий муҳит жамоавийлик асосида тараккий этиб, ҳар бир ишни бажаришда бу жараёни табиийлик сифатида қабул қилган. Жамият ҳаётида авлоддан авлодга ворисийлик йўли билан ўтиб келатган ёзилмаган қонун қоидалар талаби ҳеч қимга ҳеч қачон, “бу бола менга алоқадор эмас”, “бу болага мен масъул, жавобгар эмасман”, “бу боланинг муаммосини ҳал қиладиган одамлар ва муассасалар бор” қабилда ёндашувга йўл берган эмас. Бугун бу жиҳатларнинг йўқолиши девиант ҳуқуқий ёшларнинг шаклланишига хизмат қилмоқда десак муболаға эмас.

Бугунги кунда бизнинг таълимий-тарбиявий жиҳатларда йўл қўяётган айрим нуқсон ва камчиликларимиз қуйидагиларда кўринади назаримизда:

- Айрим оилаларда умуман китоб йўқ. Болаларингизга китоб олиб бермайсизми десангиз. Барибир ўқимади дейди. Албатта ўқимадида бўлмагандан кейин. Ўзимиз китоб ўқимаганимиздан кейин. Замонамизнинг машхур олимларидан бири Мансурхон Тоиров, “Уйда милтиқ бўлса - қачондир отилади, уйда китоб бўлса - қачондир ўқилади,” - дейди. Фарзандингизга китоб олиб беринг, ўзингиз ўқинг, шунга қараб, у ҳам ўқийди;

- Уйимизга дўстларимиз келса шеърхонлик ғазалхонлик, бирор асар муҳокамасини қиляпмизмики, болаларимиздан ижодкорликни талаб қилсак;



- Фарзандим муайян бир соҳага қизиқмайди дейсиз - фарзандимиз қизиқиши учун қизиқишимиз, қизиқишларимизга ўзимиз амал қилишимиз, уларни ҳам қизиқтириш учун муносиб шароит яратиб беришимиз лозим;

- Ижтимоий тармоқдаги “юлдузлик” факат бугунги кун учун эканлиги, яхшилик ва эзгулик абадий эканлигини аввало ўзимиз тушунишимиз кейин тушунтиришимиз керак;

- Ўзини қунини кўряпти деб ўткинчи “оммавий маданият” дан қайтармаймиз. Уларнинг “замонавий пародист” бўлишлари учун ўзимиз шароит яратиб берамизда яна нега бундай “бўлиб қолдинг” нега бундай “килик”ларни қилиб юрибсан деб танбех берамиз.

Бугун кўпчилик қўштирноқ ичидаги “замонамиз қахрамонлари”нинг фикрларига кўра китобга эҳтиёж қолмаган эмиш. Тафаккур қилишимиз керакки, китоб ўқиш орқали, маънавиятимиз, дунёқарашимиз юксалиши, инсонларга ва жамиятга керак бўлишимизни. Китобга эҳтиёж минг йиллардан бери бор ва бундан кейин ҳам бўлади. Менгачи эҳтиёж бормикан ўзи, менга эҳтиёж сезармикан ўзи жамият, - деб.

Баҳром БОЙМУРОВОД.

Барча фанларнинг асоси бўлган “ўрганиш” жараёни инсониятнинг бутун бир ҳаётини акс эттиради.

Болаларни бошланғич синфга қабул қилар эканмиз, устозларимизнинг асосий кучи болаларни тартибга, мактаб муҳитига мослаштиришга қаратилади. Бу улуг даргоҳдаги тартибга қўйиш қарар экан, боладаги ўрганишнинг завқини туюш қамайиб борадигандек. Чунки у илк ҳарфни чи-



Тил ўргатишда эркин муҳит афзалми ёки...?

ройли қилиб ёза олганида ич-ичидан ура деб бақира олмайди, бу мактабда мумкин эмас. Шунга ўхшаш бир қанча тақикларга учрай бошлайди. Тўғри, тартиб бўлмаган жойда ўсиш, ривожланиш биз кутгандек бўлмаслиги мумкин, лекин биз бу тартибни боланинг ўрганиш завқини йўқотиш эвазига ўрнатмаслигимиз лозим.

Бошланғич синфларга инглиз тили дарси киритилди, дарслар ўтила бошланди ва шу нарса яққол кўзга ташландики, ўқувчилар бошқа фанларга қараганда инглиз тили дарсини ўзгача иштиёқ билан қутадиган бўлишди. Сабаби бошланғич синфларда инглиз тили дарслари ўйинлардан ва эркинлик билан бажариладиган машғулотлардан иборат. Шу жараёндан бошлаб мен қатъий тартиб интизомга мослаштириб олган юқори синфлардаги методика ва эркинлик қўллаб-қувватланган методикани солиштира бошладим. Биринчи ҳолатда гарчи синфда анча қобилиятли ўқувчилар бўлсада, уларнинг янгиликка, ўрганишга бўлган интилиши суст эди. Мен қатъийликни аста-секин юмшатиб бордим, муноса-

батларда самимийлик ва эркинликни биров кўпайтирдим. Натижа ўларок, ўқувчиларнинг фани ўрганишга қизиқиши жонланиб, дарсдаги фаоллиги орта бошлади.

Ҳаётда ниманидир ўрганиш, уни ўз ҳаётига олиб кириш инсон учун қатта жараён. Айниқса бошқа бир тилни ўрганиш анча мураккаб ҳисобланади. Бу мураккабликни қатъийлик асосига қуриб янада мураккаблаштириш фикримча тўғри эмас. Қайси ёшда бўлишдан қатъий назар, биз ўрганиш лаззатини, роҳатини болага ҳис қилдира олишимиз зарур. Чунки инсон умрининг охирига қадар ўрганишда давом этади. Биз сабабли улар ўрганишни тўхтатиб қўймасин, аксинча биз сабабли ўрганиш ўргана олиш неъматини ҳис қилишсин.

Педагогларнинг асосий вазифаси ҳамма ўқувчини айнан бизнинг соҳамизни эгаллашни таъминлаш, ўқувчиларни инглиз тили мутахассиси бўлишига эришишини шарт қилмаслигимиз керак. Ўқувчиларнинг ҳар бири ҳар бир дарсдан ҳаёт йўлида асқотадиган билим, тажриба, қўникма олсин.

Зулфия АТАБЕКОВА,
Ширин энергетика коллежи
инглиз тили фани ўқитувчиси.

Фарзандим учун китоб

Бугун юртимизда Беш муҳим ташаббуснинг тўртинчисидан белгиланган ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ёшларимизнинг китоб ўқиши, уларни китобхонликка даъват этиш, давлатимиз томонидан алоҳида эътиборга олинганлиги айни ҳақиқат. Республикаимизнинг барча шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳаллаларида, юртимизда фаолият олиб бораётган номдор нашриётлар томонидан ёшларимизни китобхонликка жалб қилиш мақсадида китоб акциялари ташкил этилмоқда.

Жорий йилнинг 31 март санасида Оқолтин тумани 13-умумий ўрта таълим мактабида Тошкент шаҳар, Учтепа туманидаги Чилонзор даҳасида жойлашган “Зиё” нашриёти томонидан “Фарзандим учун китоб” акцияси ҳам шундай акциялардан бири бўлди.

Ушбу китоб акциясини ташкил этилишидан кўзланган мақсад ота-оналар ва ёшларни сўнгги вақтларда чоп этилган, илмий-маърифий, дарслик, бадий, оммавий, ўзбек ва жаҳон адабиётлари дурдоналари, болалар адабиёти билан яқиндан таништириш, ёшларимизга китоб ва китобхонлик маданиятини ўргатишдан иборат, - дейди “Зиё” нашриёти



мутахассиси Камола Қосимова.

Баҳром БОЙМУРОВОД,
Оқолтин тумани 13-умумий
ўрта таълим мактаби ижодий маданият масалалар бўйича тарғиботчи.

БЕРУНИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Ўз истагига эришишга тақдир ёрдам бермаган кишига маломат қилинмайди.

Одамлар ёқтирган кишилари тарафини олиб, ёмон кўрган кишиларини таъна қилишади.

Қомил нарса ортиқчаликни ҳам, камчиликлари ҳам қабул этмайди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари

Боёвутлик Барчиной

“Бугунги кунда спорт ва соғломлаштириш жараёнларининг натижадорлиги Янги Ўзбекистонни барпо этиш вазифалари билан узвий боғлиқ эканини англаган ҳолда масъулият билан ҳаракат қилишимиз лозим”.

Ш.МИРЗИЁЕВ.

Инсон ҳаётида шундай унутилмас лаҳзалар бўладики, бир умрга хотирида муҳрланиб қолади. Фарангизга бу йилги 8 март — Хотин-қизлар байрами ана шундай тамкин онларни ҳадя этди. Пойтахтимиздаги Конгресс-холлда ўтган шодиёнада давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт ва жамоатчилик фаолиятида алоҳида ютуқларга эришган бир гуруҳ қизларга Зулфия номидаги Давлат мукофоти тантанали равишда топширди. Анжуманлар залида унинг исми шарифи эълон қилинган. Каттик ҳаяжон босди. Ахир, у бугун шахсан Президентнинг қўлидан нуфузли мукофотни олади. Катта мониторинг унинг сурати пайдо бўлди. Илдам юриб давлатимиз раҳбари ҳузурига борди. Шавкат Мирзиёев самимий табассум билан Фарангизнинг кўксига фахрий нишонни тақаркан: *“Қўлга киритган муваффақиятларинг билан тўхтаб қолма, қизим. Бу ютуқлар бошлангичи бўлсин. Сени тарбиялаб вояга етказган ота-онамга раҳмат!”* — дея қўлини қисиб қўйди. Шодликдан қушдай енгил бўлиб зулфиячи дугоналари даврасига қайтаркан. Қўзлари билан даврада ўтирган волидаси Кумринисони излаб топди. Қандай бахт! Яхши фарзанд тўрга чиқаради, деган нақл тўғри экан-да! Фарангизнинг хурматига унинг онаси ҳам байрам тадбирига таклиф этилган эди. Узокдан онасининг қўзларида шодлик учкунлари чакнаётганини кўрди. Юраги гупиллаб уриб кетди.

Фарангиз дугоналари ўтирган даврадан жой оларкан бундай юксак эҳтиромга сазовор бўлгунча кечган дамлари кино тасмасидай бир-бир қўз олдидан ўтди. Ўшанда 11 ёшда эди. Ажойиб кунларнинг бирида Боёвут тумани Охунбобоев маҳалласидаги 38-умумий ўрта таълим мактаби қошида белбоғли кураш тўғраги очилганлиги ҳақидаги эълонни ўқиб қолди. Уйга келиб отаси Одилжон ака, онаси Кумринисо аяга маслаҳат солди.

— Мен белбоғли кураш тўғрагига қатнашмоқчиман. Ҳам соғлигимга

яхши, ҳам Барчиной каби ном қозонмоқчиман!

Ота-она унинг шахдини қайтармади. Қизларига оқ йўл тилади.

Тўғаракка эндигина Гулистон давлат университетининг Жисмоний маданият факультетини битириб келган ёш, серғайрат кадр Жавлон полвон Миржумаев раҳбарлик қиларкан. Фарангизга кураш усуллари ёкиб қолди. Ҳатто кечалари қулоғи тагида “халол”, “ёнбош”, “чала” каби кураш атамалари янграб турадиган бўлди. Фарангиз кураш сир-асрорларини тез ўзлаштириб олди. Устозининг ҳаёлидан: “Шу кизни тарбияласам, жаҳон чемпиони чиқадий” деган ўй ўтди. Ўша палла фаршталар омин деган бўлса ажабмас.

Фарангиз илк катта мусобақадаги иштирокини ҳечам эсдан чиқармайди. 2015 йилнинг ноябрь ойида Бухоро шаҳрида ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати старт олди. Фарангиз катта гиламга чиқди. Ҳаяжон кучли эди. Биринчи рақибини енгди. Иккинчи даврада унга наманганлик киз рўбарў келди. Финал хуштаги чалинганда енгилгани ойдинлашди. Дарди дунёси қоронғулашди. Мағлубият алаmidан йиғлаб ҳам олди.

Спортда ғалабалар мағлубиятлар билан ёнма-ён юради. Ким мусобақага пухта тайёргарлик кўрган бўлса, ўша шохсунага кўтарилади. Бухородаги мағлубият Фарангизнинг кўзини катта очди. Машғулотларга зўр берди. Айтишади-ку, машғулотларда кийин бўлса, жангда осон бўлади, деб. Орадан бир йил ўтиб, Самарқанд полвонларни чемпионатга чорлади. Фарангизда ўзига ишонч ортганди. Гиламда бирин-кетин рақибалари елкасини ерискага бошлади. Финалда белгиланган вақт адоғига етмай андижонлик қизни енгди. Ҳалаба! Ҳалаба! Қандай тотли сўз! У илк марта Ўзбекистон чемпиони бўлган эди. Қувончини яшириб ўтирмади. Севинч қўз ёшлари мижжаларини намлади. Танасига сиғмай уйларига — отаси Одил ака ва онаси Кумринисо аяга сим кодди. Падали хурсанд бўлиб: “Балли, ота кизи!” — дея олди, холос.

2017 йил спортчи ҳаётида унутилмас воқеа содир бўлди. У жаҳон майдонларида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилишга муяссар бўлди. Воқеа бундай бўлганди. Наманганда кечган мамлакат чемпионати жаҳон чемпионатига йўлланмани тақдим этарди. Финал беллашувида унга майдон эгалари вакили тўғри келди. Ўз уйингда девор ҳам ёрдам беради, деган нақл бежиз тўқилмаган. Кураш аввалида Фарангиз рақибасига икки очкони “ҳадя” қилди. Бироқ дарров ўзини ўнглаб олди. Пайт пойлаб ёнбош усулини қўллаб, гиламга ағдарди. Залда бир машина шағал тўқилгандай қарсақлар янгради. Ҳалаба! Фарангиз жаҳон чемпионатига йўлланмани нақд қилиб қўйганди.

Ўша йилнинг 6-9 декабрь кунлари Фарангизнинг хотирасида абадий муҳрланиб қолган. Татаристон Республикасининг пойтахти Қозон шаҳридаги “Ал-Барс” яккакурашлар саройи кураш иштибоқлари билан лик тўлган. Бу ерда ўсмирлар ва ёшлар ўртасида белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпионати авж паллага кирган. Дунёнинг 35 та мамлакатидан таширф буюрган 200 нафарга яқин полвонлар: “Сендан мен камми?” — дея гилам атрофида саф тортишди. Қуръа ташланиб, беллашувлар бошланди. Фарангиз бирин-кетин россиялик, қозғистонлик, ҳиндистонлик рақибаларини енгиб, финалга йўл олди. Финал жангида унга туркменистонлик полвон рўбарў келди. Устози Жавлон Миржумаев шогирдига оқ фотиҳа берди. “Сен Барчинойнинг авлодидансан! Бўш келма! Шошилма, ақл билан кураш!” дея сўнгги кўрсатмаларини берди.

Кураш оғир кечди. Туркменистонлик кизнинг ҳам илиги тўқ эди. Бироқ Фарангиз бўш келмади. Рақибасини энг севган усули ёнбошга олиб икки марта чўккалатди. Зални кийкириқлар босиб кетди. Фарангиз жаҳон чемпиони бўлган эди. Ўртадаги ҳакам унинг қўлларини озод кўтарганида қўзларидан тиркираб ёш чиқиб кетди. Ўзбекистон байроғини хилпиратиб кураш майдонини бир неча марта айланди.

Энг қизик воқеа шохсунада содир бўлди. Чемпион хурматига мамлакатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради. Бундай онларнинг садағаси кетсанг арзийди. Қўзларидаги қувонч ёшларини қўллари билан сидириб



ташлади. Ахир у хотин-қизлар ўртасида белбоғли кураш бўйича Сирдарёдан чиққан биринчи жаҳон чемпиони бўлган эди-да!

Кейинги йилларда Фарангиз Абдунабиева кетма-кет тўрт марта Халқаро мусобақаларда муваффақиятга эришди. 2018 йил Тошкент шаҳрида ўтган жаҳон чемпионатида ўз вазн тоифасида мутлақ ғолиб бўлди. 2019 йил Олмалик шаҳрида ўтган жаҳон чемпионатида шохсупанинг тўридан жой олди. 2020 йилда Қозон шаҳрида кечган катталар ва аёллар ўртасидаги жаҳон чемпионатида бош соврин соҳибасига айланди. 2021 йил Қозон шаҳрида Ҳамдўстлик мамлакатлари курашчилари ўртасида кечган чемпионатда ҳам ғолиблар сафидан жой олди. Гулистон Олимпия заҳиралари коллежининг 11-синф ўқувчиси, эндиgina 19 баҳорни қаршилаётган кизгининг 5 қарра жаҳон чемпионлигини қўлга киритгани вилоятимиз спорт ҳаётида ўзига хос воқелик бўлганлиги рости. Гулистон шаҳридаги Тадбиркорлар ва хунармандлар марказида Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлаб ўтказилган байрам тадбирида вилоят ҳокими Ғофуржон Мирзаев зулфиячи кизни кизгин табриклаб, келгуси спорт ҳаётида муваффақиятлар тилади.

Ҳаёт бу қуршлардан иборат кенг майдон. Ким астойдил ҳаракат қилса муродига етади. Боёвутлик Барчиной — Фарангиз Абдунабиевани олдинда катта курашлар кутиб турибди. Биз унинг бу синовлардан муваффақиятлар билан ўтишига астойдил ишонамиз!

Муҳаммадали АҲМАД.

Суратда: Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати, белбоғли кураш бўйича беш қарра жаҳон чемпиони Фарангиз Абдунабиева.

Минбар

Олимлар, зиёлилар, мамлакат ва миллат келажаги учун чуқур қайғурганларни яқин-яқингача бир нарса қийнаб келарди: нега ёшларимиз, умуман, фуқароларимиз ўртасида китобхонлик маданияти пасайиб кетди, нима учун ердан қўкка кўтарилган, бизни баркамоллик сари етаклайдиган, инсонлар қалбига ёруғлик ва илиқлик қилиб қайтарган, оқ билан қора, яхшилик билан ёмонлик, вайронкорлик билан бунёдкорликнинг фарқини онгли равишда англатишга ёрдам берадиган, инсоният томонидан яратилган энг ноёб кашфиёт — китобнинг қадри тушиб кетмоқда? Не сабабдан айримлар китоб ўқиганларни замондан орқада қолаётганлар

қаторига қўшиб қўймоқда? Президентимиз Ш.Мирзиёев: “Ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини оширишга, уларни китоб билан дўст бўлишга, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Бунинг учун, аввало, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ва уларни кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор беришимиз муҳим аҳамият касб этади”, — деганларида юз қарра ҳақ эдилар.

Мамлакатимиз раҳбарининг китоб, китобхонлик маданиятини яхшилаш тўғрисида қуёниб гапирётганликларининг замирида чуқур фалсафа бор. Биринчидан, юқорида қайд этилгани каби, китоб инсонни ердан қўкка кўтарувчи, унинг маънавий қувватини оширувчи буюк куч ҳисобланади. Иккинчидан, китоб инсониятнинг тарихий хотираси, барчамизни ўз маънавий-маърифий, илмий заминимизни мустаҳкамловчи, келажакни ёрқин кўрсатиб боришга қодир машъала ҳисобланади. Шунинг учун бизнинг юртимизда илм олиш, китоб ўқиш, ижод қилиш ҳар доим ҳам миллатнинг мавжудлиги ва нимага қодир эканлигини кўрсатувчи муқаддас тушунчалар ҳисобланади. Арасту ҳакимдан Абу Али Ибн Синогача, Афлотундан Абу Райҳон Бе-

рунийгача, Жалолиддин Румийдан Алишер Навоийгача, Соҳибқирон Амир Темурдан Муҳаммадшариф Гулҳанийгача юзлаб, минглаб мутафаккирларнинг шакилланиши, дунёга танилиши, замонлар



ошсада, аҳамияти йўқолмайдиган тадқиқоту кашфиётлари фақат ва фақат китоб орқали юз берди. Уларнинг бугунги авлод томонидан чуқур ўрганилиши, улар илмий-маърифий бисотида бот-бот мурожаат қилишнинг сабаби ҳам мутафаккирларимиз томонидан яратилган китоблар тўфайлидир.

Шарқда ахлоқ-одоб борасида буюк асарлар яратган Муҳаммад Жабалрудийнинг китоб ҳақидаги қуйидаги фикрларига бир қулоқ тутайлик: “Эй азий! Киши учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ суҳбатдош йўқдир. Китоб фасоҳат, балоғатда, латофатда тенги йўқ, мунофиқликдан холи ҳамроҳдир.”

Д.ХОНТЎРАЕВА, Сирдарё тумани Ахборот кутубхона маркази директори.

Ойлар султони Рамазон!

Рамазон! Такдир қалами белгилаган маълум муддатгача бу ой ҳам бошқа ойлар сингари йилнинг ўн икки парчасидан биридир. Аллоҳ таоло инсониятни нажот йўлига йўллашни ирода қилди. Ўн саккиз минг оламлар Эгасидан энг сўнгги пайғамбарликка танланган улуғ зот Расулulloҳ (саллalloҳу алайҳи ва саллам)га “Ўқинг”-деган амр келди.

Курони карим туширилиши айнан Рамазон ойининг кечаларидан бирида бошланди. “Ўн икки ойнинг султони - Куръон ойи” бўлди. Раҳмон Зот минг ойдан хайрли Кадр кечасини бу муборак ойга жойлаштирди. Гўё оппоқ садафлар шодасига қора олмосни яширди ва амр қилди: “Қани, олмосни топинг!” Расулulloҳ (саллalloҳу

алайҳи ва саллам)дан умматга ишорат бўлди-уни охирги ўн кунлигидан қидиришни тавсия этдилар.

Бу муборак ой, бизлар учун рўза ойи бўлди, ўттиз кун рўза тутишга буюрилдик. Расулulloҳ (саллalloҳу алайҳи ва саллам) бу ойни “қалқон”-дедилар. Нафсимизга қарши қалқон вазифасини ўтайди.

Бу муборак ой шифо ойидир - дунё зийнатларига махлиё, руҳларимизга даво ойидир. Ғарибумискинлар кўнглини меҳру саховат билан обод этиш, улар ҳақиқа дуойи хайр қилишни таълим беради. Ҳозирги яшаётган кунимизда баъзи оилаларда оилавий келишмовчиликлар, кўни-қўшнилари ўртасида арзимаган ер талашишлар, қудда - андаларнинг араз-гиналари бўлаётгани

ҳақиқатдир! Раҳмату мағфиратга лиммо - лим кунларда ўзаро гина қудратларни уни-тиб, бир-биримизни кечириб ойи айни Рамазондир! Фарз ибодатларини адо этишда, рўзадорликда, эзгу амалларни бажаришда давом этарканмиз, кўнглимизни авфу мағфиратга моил бўлиш умиди эгаллайди.

Рамазон ойи воситасида илоҳий раҳматга етишиш мақсади кўнглимизни тўлдириб бормокда. Хуш келдинг ойларнинг султони РАМАЗОН!

Ҳабибуллоҳ ЗОКИРОВ,
Сирдарё вилояти бош имом-хатиби.



Рамазон ойи оилалар ва маҳалла-ларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш учун Аллоҳнинг яна бир мағфиратидир.

Эртасидан умидвор инсон, албатта, муқаддас ойда муҳтож инсонларга бағрини очади, дастурхонида турган нондан илинади.

Мўмин мўминга озор бермайди

Ислом дини таълимотлари инсон зотига азият бермаслик, тартиб-интизомли бўлишга чорлайди. Айниқса, мўмин мусулмонлар турли шахсий ва ижтимоий муносабатларда бир-бирларига озор бермасликларига даъват этади. Акс ҳолда қаттиқ гуноҳкор бўлиб қолишлари таъкидланади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло таълим бериб марҳамат қилади: “Мўмин ва мўминаларга қилмаган гуноҳлари билан озор берадиган кимсалар бўхтон ва аниқ гуноҳни ўзларига олган бўлурлар” (Ахзоб сураси, 58-оят).

Шариатимизга қўра барча жаҳада бировга азият бериб қўйишдан сакланишга буюрилади. Ҳатто суҳбат асносида биз учун арзimas кўринган баъзи ҳатти-харакатлар ҳам динимиз назаридан четда қолмаган. Ҳадиси шарифларнинг бирида Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Икки киши учинчи кишини ёлғизлатиб суҳбатлашмасин. Чунки бу мўминга азият бера-

ди. Аллоҳ эса мўминга азият беришни ёқтирмайди” деганлар (Имом Абу Яъло “Муснад”да ва Имом Табароний “Муъжамул авсат”да ривоят қилган). Шунингдек, ҳадиси шарифларда Аллоҳ таолога ва охират кунига имон келтирган киши азият беришнинг турли кўринишларидан сакланиши лозимлиги уқтирилган. Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, яхшиликни гапирсин ёки жим турсин! Ким Аллоҳга ва охиратга имон келтирган бўлса, қўшнисига озор бермасин Ким Аллоҳга ва охиратга имон келтирган бўлса, меҳмонини эхтиром қилсин!”, – деганлар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган).

Абдуллоҳ ибн Муборак раҳматуллоҳи алайҳ: “Ким дин олимларини масҳара қилса, охирати қуяди. Ким подшо ва амирларни масҳара қилса,

Рамазон кунлари	Апрел	Ҳафта кунлари	Саҳарлик тугаши	Ифторлик бошланиши	Рамазон кунлари	Апрел	Ҳафта кунлари	Саҳарлик тугаши	Ифторлик бошланиши
1	2	Шанба	04:47	18:51	16	17	Якшанба	04:19	19:07
2	3	Якшанба	04:45	18:52	17	18	Душанба	04:17	19:08
3	4	Душанба	04:43	18:53	18	19	Сешанба	04:15	19:09
4	5	Сешанба	04:41	18:54	19	20	Чоршанба	04:13	19:10
5	6	Чоршанба	04:39	18:55	20	21	Пайшанба	04:12	19:11
6	7	Пайшанба	04:37	18:56	21	22	Жума	04:10	19:12
7	8	Жума	04:35	18:57	22	23	Шанба	04:08	19:13
8	9	Шанба	04:34	18:58	23	24	Якшанба	04:06	19:14
9	10	Якшанба	04:32	18:59	24	25	Душанба	04:05	19:15
10	11	Душанба	04:30	19:00	25	26	Сешанба	04:04	19:17
11	12	Сешанба	04:28	19:01	26	27	Чоршанба	04:02	19:18
12	13	Чоршанба	04:26	19:03	27	28	Пайшанба	03:59	19:19
13	14	Пайшанба	04:25	19:04	28	29	Жума	03:57	19:20
14	15	Жума	04:23	19:05	29	30	Шанба	03:56	19:21
15	16	Шанба	04:21	19:06	30	1	Якшанба	03:54	19:22

дунёси барбод бўлади. Ким ўз биродарларини масҳара қилса мурувват ва хайбати йўқолади”, - деган.

Аллоҳ таолонинг жорий бўлган одатларидан бири шуки, илм аҳли ва уламоларни таҳқирлаган ва масҳара қилган одамни мана шу дунёнинг ўзида хор қилади.

Пайғамбар алайҳиссалом ўзларининг ҳадиси шарифларидан бирида ана шундай мўмин-мусулмонларни ғийбат

қилиб, уларни айбларини ахтариб, азият берадиган кимсаларга қарата шундай деганлар: “Эй тили билан имон келтириб, қалбига эса имон кирмаганлар, (қалби билан имон келтирмаганлар) мусулмонларни ғийбат қилманг ва уларнинг айбини пойлаб-қидирманглар! Чунки ким уларнинг айбини қидирса, Аллоҳ таоло уни ўзининг айбини қидиради ва гарчи уйининг ичида (одамлардан махфий бўлса ҳам,

уни ошкор қилиб) шарманда қилади”, Имом Бағавий раҳимахуллоҳ: “Мусулмонларнинг энг афзали Аллоҳ таолонинг ҳақларини адо этиш билан мусулмонларнинг ҳақларини адо этишни жамлаган ҳамда мусулмонларнинг шаънларидан тийилган кишидир”, – деганлар.

Б.НОСИРОВ,
Ховос туманидаги “Хуснобод” жоме масжиди имом-хатиби.

Сафарингиз беҳатар бўлсин, азизлар!

Азиз газетхон, хабарингиз бор, ўтган ойдан бошлаб Умра зиёратини ихтиёр этган юртдошларимиз учун дунё мусулмонлари учун муқаддас кадамжолар саналган Мадинаи мунаввара ва Маккаю мукаррамага бориш учун имкон берилди. Айни пайтгача вилоятимиз вакилларидан иборат бир неча гуруҳлар Умра зиёратига бориб, қелишди.

Шуниси қувончлики, муборак Рамазон ойи бошланиши арафасида яна 46 нафар воҳадошларимиз қутлуғ манзиллар сари сафарга отланишди. Уларга Сирдарё туманидаги Аҳмад Яссавий жоме масжиди имом хатиби Муроджон Мирсоатов эллик бошилик (стакичилик қилмокда).

Кунни кеча сирдарёлик зиёратчиларни вилоят жоме масжидида тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Зиёратчиларнинг юзларида қувонч, хаяжон, қалбларини неча йиллик эзгу ниятлари амалга ошгани, айниқса,

пандемия туфайли бир муддат тўхта-тилган бу қутлуғ сафарга яна руҳсат берилгани, ушбу хайрли ишнинг бо-



шида муҳтарам Президентимиз, ҳукуматимиз турганлигидан миннатдорлик туйғуси чулғаб олган эди. Бу ерга тўпланганларга сафар билан боғлиқ

тартиб-қоидалар яна бир қарра тушунтирилди, узоқ сафар олдидан дуои фотиҳа қилинди.

Сафар олдидан зиёратчиларни суҳбатга тортидик. Гулистон шаҳридаги “Фаррух” хусусий клиникасининг невролог шифокори Олимжон Эшбоев шундай дейди:

- Анча йиллардан бери онажоним Буфотима Эшбоевани Умра зиёратига олиб боришни ният қилиб юргандим. Онажоним биз - фарзандларини ок-ювиб, ок тараб вояга етказди, доимо дуолари билан қўллаб турди. Шу дуолар туфайли ҳамма фарзандлар ўқиб, касб эгалладик. Мана, мен ҳам бир неча йилдири, эл соғлиги йўлида баҳоли қудрат хизмат қилиб, ҳамюртларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссамни қўшиб келяпман. Ниҳоят ниятлар ушаладиган дамлар келди. Умра зиёратимиз айнан Рамазон ойига тўғри келганидан бошимиз осмонга етди. Ушбу

муборак сафарга бориш учун имкон яратиб берган Юртбошимизга, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ва ушбу идоранинг вилоят вакилликка, вилоят жоме масжиди ходимларига ва бошқа ташкилотчиларга миннатдорчилик билдираман. Онажоним ва бошқа ҳамроҳларимиз билан рўзанинг бир қисмини табаррук манзилларда ўтказиб, Умра зиёрати амалларини тўлатқис бажариб, қалбимиз покланиб, ёруғ юз билан юртимизга қайтишликни яратгандан сўраб қоламан.

Олимжоннинг ёнида турган волидаи мухтарамаси Буфотима ая шу кунларга етказгани учун Аллоҳга шукрона айтди ва дуога қўл очди.

Шу кунни бу каби илиқ фикрларни, ташаккурларни қўпчиликдан эшитдик.

Барча юртдошларимиз қатори сирдарёлик зиёратчиларга ҳам сафарлари беҳатар бўлишликни сўраймиз. Рамазоннинг фазилатларга бой, мағфиратли кунлари барчамиз учун тинчлик, хотиржамлик билан ўтсин.

Холида ПАРДАБОЕВА.

1 АПРЕЛЬ - БУТУНЖАХОН КУЛГУ КУНИ

Азиз НЕСИН.

У 1915 йили туғилди. Уйда йиғлагани қўйишмади. Онаси қўлини бигиз қилиб таҳдид қилди:

— Овозингни ўчир!

Кулиш ҳам, йиғлаш ҳам мумкин эмасди. Отаси ҳам зуғум қиларди:

— Жим бўл!

Агар уйда меҳмонлар бўлса, уни огоҳлантиришарди:

— Жимгина ўтир, шовкин солма!

Агар онаси уйда ёлғиз қолса, қулоғига қуярди:

— Бақирма, бир пасгина тинчлик бўлсин!

Шу тарика у етти ёшга тўлди.

У мактабга катнай бошлади. Дарс пайтида энди оғиз очган ҳам эдики муаллим ўшқириб қолди:

— Гаплашма!

Уни доскага чақиритганда доимо уқтиришарди:

— Сендан нимани сўрашса, факат шу ҳақда гапир. Ортикча жаврама.

Шу тарика ўн икки ёшга тўлди.

У ўрта мактабга катнай бошлади. Энди гапирмоқчи эди, оғзига уришди:

— Сендан сўрашаётгани йўқ.

Директор унга «Тилини тийган бой бўлар» деган мақолни эслатиб қўйди.

Турк тили муаллими шундай деди:

— Икки марта эшитиб, бир марта гапир. Одамнинг иккита қулоғи, битта оғзи бор.

— Жим бўл!

— Овозингни ўчир!

— Жаврама!

Шу тарика ўн беш ёшга тўлиб қолди.

У лицейга катнай бошлади. Биринчи эшитган гапи шу бўлди:

— Гапиргандан кўра жим ўтирган яхши!



— Кўп жаврама!

— Оғзингни юм!

— Жим бўл!

Шу тарика ўн тўққиз ёшга тўлди.

У университетга ўқишга кирди. Уйда шундай насиҳат қилишди:

— Катталар гапирганда кичиклар жимгина кулоқ соладилар.

Онаси тайинлади:

— Сўз — каттадан, сув — кичикдан.

Профессор бир куни шундай деди:

— Тилингни тийиб юр!

Шу тарика йигирма уч ёшга тўлди.

Ҳарбий хизматга чақирилди. Бўлинма командири буюрди:

— Жим бўл, итвачча!

Сержант :

— Жаврашни бас қил!

Капитан:

— Оғзингни очма!

Уни миршабхонага чақиритди:

— Сендан сўралаётгани йўқ!

Комиссар дўк урди:

— Жим!

У ишга кирди. Ўртоқлари бармоқларини оғзига босиб шивирлашди:

— Тсс!

— Худо ҳақки, оғзингни юм! Бошингга бир балони орттириб олма. Эҳтиёт бўл!

Тилингни тий!

(Ҳажвия)

Бошликлар огоҳлантириб қўйди:

— Ҳар нарасага бурнингни тикма!

— Бунинг сенга даҳли йўқ!

— Нима ишинг бор?

— Аралашма!

Уйланди. Хотини тайинлади:

— Сендан илтимос, ҳар балога бурнингни сукма!

Фарзандлар туғилиб, вояга етишди.

Улар айтишди:

— Ота, бу ишга ақлинг етмайди.

Аралашиб ўтирма!

Бу одам — қисман мен, қисман сиз, қисман ҳаммамиз!



Ривоят қилишларича. Ўтмишда хотинлар пишираётган овқатига эркаларнинг тилини қирқиб қўядиган бир оғу қўшиб қўярмиш. Бизнинг емишимизга ҳам шунақа оғу қўшилганга ўхшайди. Бир қараб қўрингчи, тилингиз бормикин? Биз тилимизни ютиб қўйганмиз! Оғзимиз бору аммо тилимиз йўқ.

Мана энди ўша қисман менга, қисман сизга ўхшайдиган одам сўз эркинлигини талаб қилиб юрибди. Унинг гапиргиси келяпти.

Аммо унга буюриляпти:

— Тилингни тий!

Менинг унга шундай дегим келади:

— Гапир! Гапир! Гапирсан-чи!

Аммо нима дейсан? Қандай гапирасан? Тилимиз борми ўзи?..

Шодмон ОТАБЕК таржимаси

Ҳокимият аёлга ўхшайди, доимий хушомад қилиб, итоатда туришингизни ёқтиради.
(Тамара Клейман)

Ҳокимият уни эгаллаган мансабдорнинг сўзларига ҳақиқат тусини беради.
(Менандр)

Ҳокимият инсонни айнитади, ҳокимиятсизлик инсонни мутлоқ айнитади.
(Эдлай Стивенсон)

Ҳокимият инсонни айнитади, мутлоқ ҳокимият инсонни мутлоқо айнитади.
(Жон Акстон)

Агар ҳокимиятни суиистеъмол қилиш имконияти бўлмаса, у ўзининг бутун эжозибасини йўқотади.
(Пол Валери)

Ҳокимият оғир-босиқларга даҳлдордир.
(Максимилиан Робеспьер)

Журналистлар сумалак сайлида

Вилоятимизда Наврўз тантаналари, сумалак сайллари ҳамон давом этмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан журналистларнинг сумалак сайли ташкил этилди.

Бир гуруҳ журналистлар “Янги Сирдарё” газетаси муҳбири, шоир ва журналист Рустам Эмин (Содиқов)нинг хонадонига жамланишди. Гулистон туманининг “Ишонч” маҳалласидаги бу хонадон шу куни кўкламнинг кўркемлиги, фазилатлари дўстлар дийдори билан уйғунлашиб кетди.

Журналист аёлларга Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими мутахассиси

Дилором Исмадиёрова, бўлим ходими (ҳисобчиси) Хуршида Нишоновва ҳамда хонадон бекаси Замирахон ва келини бош-қош бўлиб унган буғдой майсасини гўшт майдалигичдан чиқариб, шарбатини дошқозонга солишди. Ишни бошлаш олдида ёши улуг аёллар “Дунё ва юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, Наврўз элга



ризк-рўз олиб келсин, сумалагимиз баракали, тотли бўлсин”, - дея ният қилиб, дуога қўл очишди.

Бу йилги серёмғир баҳор шу куни ҳам шивалаб ёғиб, ҳаммани шошириб қўйди. Лекин айвон остида ўчоқ осиб, сумалак қайнатишнинг ҳам ўз гашти бор-да.

Бир неча киши ҳовлини байрамо-

на безатишга тушди, яъни палаклар, сўзаналар осилди, хизматдагилар учун ош дамланди. Қўли гул пазанда опа-сингилларимиз дастурхон безашди. Сумалакчилар жараён билан боғлиқ юмшуларни бажарарди. Соат сайин сумалакка ранг кириб борарди. Шу лаҳзаларда дошқозонда қайнаётган сумалакда эртанги кунимизнинг ризку

рўзи, ҳаётимизнинг фаровонлиги акс этарди гўё. Хизматдагиларга ош тортилди, дастурхон устида ширин гурунғ бўлди.

Кечки пайт сайлгоҳ яна ҳам гавжумлашди. Кундузи турли юмушлар билан банд бўлганлар “ҳорма, бор бўл”га келишди. Ҳовлига кирганлар энг аввало дошқозон атрофидаги сумалакчи опа-сингилларга қўмакка шошилишди.

“Янги Сирдарё” ва “Новая Сырдарья” газеталари бош муҳаррири Муҳаммад Исмоил, шоир Алишер Нур, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Баҳор Холбекова, Норинисо Қосимова, Ўз.Анинг вилоят бўйича муҳбири Шухрат Суяров, “Ойдин йўл” газетаси бош муҳаррири Дилора Эсонова, шунингдек, ижодкорлардан Мавлуда Сиддиқова, Суюн Номозов, Зокир Оккулов ва бошқалар ўз тилақларини билдиришди. Кечаси билан дошқозонда сумалак қайнайверди, атрофида қизгин суҳбатлар, дилкаш гурунғлар, мушоира давом этаверди.

Тонгда барчага сумалак улашилди.

Холида ПАРДАБОЕВА.

Суратларда: журналистлар сумалак сайлида.

Жеймс Жойснинг асарлари ўзига хос услуби ва матндаги бошқотирмалари, адабий мураккаблиги билан бошқа адиблар ижодидан кескин фарқ қилади. Унинг ижоди юзасидан баҳс-мунозаралар салкам юз йилдан буён тўхтовсиз давом этаётгани сабаби ҳам шунда. Танқидчи ва адабиётшунослар унинг асарларини турли йўналишларда таҳлил қилиб, аксар ҳолларда бир-бирига бутунлай қарама-қарши хулосалар чиқаришаётир. Аслида, бу ҳам Жеймс Жойснинг ноёб истеъдод эгаси, улугъ ёзувчи эканига яна бир далилдир. Буюкларнинг фикри, дунёқараши ва орзу-умидлари билан танишиш ҳар доим мароқли. Уларнинг маҳорати ва ҳаётий тажрибаси билан яқиндан танишиш асарларини янада теранроқ англашга, тушунишга ёрдам беради. Шуларни эътиборга олиб, биз улугъ адиб билан суҳбатлардан бирини ҳамда унинг севиб ўқиган ёзувчилари ҳақидаги фикрларини газетхонларимизга ҳавола этмоқдамиз. Мазкур суҳбат адиб ижодини ўрганишга бағишлаб чоп этилаётган “James Joyce Broadsheet”, “James Joyce Literary Supplement”, “James Joyce Quarterly”, “Joyce Studies Annual” каби журналлардаги маълумотлар асосида журналист Мария Гладбих томонидан тайёрланган.

Ўйлаймизки, адибнинг энг маишхур асари “Улисс” ҳақидаги дунё олимларининг эътирофлари ва адибнинг адабиёт ҳақидаги ўтқир мулоҳазалари газетхонлар учун қизиқарли бўлади.

– Жаноб Жойс, Сизни кўриб турганимдан бахтиёрман. Тузилган юртингиз, униб-ўсган оилангиз ва ота-онангиз ҳақида гапириб берсангиз?

– Камина Ирландия пойтахтидан жануброкдаги Ратгар шаҳарчасида таваллуд топганман (2 февраль, 1882 йил). Отам Дублинда отнинг кашкасидай таниғлик одамлардан бири эди. Ишга масъулиятсизлиги туфайли тез-тез касби-корини ўзгартирарди. Шунинг учун оиламиз билан шаҳарнинг у чеккасидан бу чеккасига кўчиб юрганмиз. Отам шинаванда одам бўлиб, улфатлар даврасини ёктирарди. Бироқ майхўрликдан тийила олмагани боис обрў-эътиборини йўқотиб қўйганди. Онам бечора ўн беш бола туғиб, афсуски, шулардан ўнгасини воёга етказган уй бекаси эди. Менинг шахсиятимга онамнинг фидокорлиги, сабр-тоқатидан анча нарса ўтган. Оилада иккинчи фарзанд бўлганим учун мен онамни яхши тушунардим.

– Ирландиядаги энг яхши мактаблардан бири Клонгоуз Вудда таълим олгансиз. Аммо отасининг чўнтагида ҳемири йўқ болага у ерда ўқишга йўл бўлсин...

– Отам ҳар доим банкрот бўлиб юрган. Бироқ унинг қўлидаги бор пули менинг Клонгоуз Вудда ўқишни бошлашим учун кифоя қилган. Бу мактабда кўп фанларга қизиққан бўлсам-да, асосан тил ва адабиётни чуқур ўрганишга интиланман. Лекин орадан бироз вақт ўтиб, отамнинг пули тугади ва мен бошқа мактабга қатнашга мажбур бўлдим. Оиламиз ўшандан кейин таназулдан чиқа олмади.

– Серфарзанд оиласини қўлай, фаровон ҳаёт билан таъминлагани учун отангиздан ранжисангизми?

– Мен болалигимда ҳам, ўсмирлигимда ҳам масъулиятсиз ва иродасиз эмас эдим. Ҳозир ҳам. Доим



Жеймс Жойс. Ёзув столида 20 000 соат

кадр-кимматимни билганман. Эзгулик ва ҳамдардлик туйғуларини яхши ҳис қиламан. Ўша пайтлар оилани боқиш учун охирги тангасини сарфлаётган онамга раҳмим келарди. Отамга нисбатан нафақат менда, балки ака-укаларим ва опа-сингилларимда ҳам ачиниш ва нафратга ўхшаш қоришиқ туйғу бор. Асарларимдаги қаҳрамонларнинг айрим жиҳатларини айнан отамдан олиб ёзганман.

– Адабиётга қизиқиш қандай бошланган? Ижод чархпалаги ўз-ўзидан айланиб кетмагандир?

– Дублин университетиди ўқиётган чоғларимда Ҳенрик Ибсен ижоди ҳақида эссе ёздим (у семимли ёзувчим). Кейинчалик “Биз ўлганлар уйғонганимизда” пьесасига “Ибсеннинг янги драмаси” деган тақриз ҳам қораладим. Лондондаги “Икки ҳафталик шарҳ” журналида пухта-пишиқкина ҳолда чоп этилди. Тез орада адибдан миннатдорлик ва мактов хатини олдим (албатта, журналдан қалам ҳақини ҳам).

Шундан сўнг “Оломонга татаббу”, “Драма ва ҳаёт”, “Қагилина” сингари мақолаларим турли нашрларда эълон қилинди. Гауптманнинг пьесасини таржима қилдим ва бошқа эсселар дегандай...

– Ўша пайтдаёқ ёзувчи бўлишингизни тушуниб етганмидингиз?

– Йўғ-эй, нималар деяпсиз? Университетни тамомлагач, тиббиётни ўрганиш учун Парижга бордим. Лекин тиббиётга қизиқишим секин-аста барҳам топди. Мен тез-тез Миллий кутубхонага борадиган, шеърлар ва кичик-кичик насрий асарлар ёзадиган бўлдим. Кўшимча даромад ишлаш мақсадида “Дублин Дэйли Экспресс” наشري учун китобларга тақризлар ёзиб бердим. Бир йил давомида мазкур газетада 23 та мақолам эълон қилинибди. 1903 йил 13 августда онам вафот этди. У мени умрининг охиригача қўллаб-қувватлаб турганди. Шундан кейин яна ҳаётимда муаммолар, ташвишлар, келажакка ишончсизлик бошланди.

– Турмуш ўртоғингиз Норани учратиб ҳаётингизда, ҳақиқатан ҳам, унутилмас кун бўлганми? “Улисс” романида унинг номини абадийлаштирдингиз. Ёшгина қиз сизни нимаси билан ром этган?

– 1904 йилнинг 10 июнида Нора Барнаклни кўчада биринчи марта учратдим. Унинг отаси новвой ёрдамчиси эди. Рўзгорини аранг тебратарди. Норанинг ўзи “Файнс” мехмонхонасида оксоч бўлиб ишларди. Мен уйла-

нишим мумкин бўлган ягона аёл эди у! Жуда ораста эди! Унга хат ёзишни ёктирардим. Очиғи, ҳеч қачон сўзни аямаганман. Отам Барнакл фамилияли (barnacle инглизчада ёпишқоқ деган маънони англатади) одамнинг қизи билан учрашаётганимни билгач, “У сени ҳеч қачон ташлаб кетмайди”, деб айтган. Унинг гапига фаришталар омин деган экан ўшанда.

– Фарзандларингиз борми?

– Албатта! Мен жуда ғамхўр отаман.

– Адабиётдаги кейинги ишларингиз қандай кечди?

– Мен кўп ва ҳўп ишлаганман. Газета учун шеърлар, памфлетлар, мақолалар ёзардим. Кейин ҳикоя, пьеса ва романлар битдим. 1906 йили Римга кўчиб кетдим, бу ерда банкнинг ёзув-чизув ишларини қиладиган ходим бўлиб жойлашдим. Инглиз тилидан дарс бердим. 1907 йили “Марҳумлар” ҳикоясини ёздим. “Камер мусика” тўпламимга киритилган. 1914 йилнинг 2 февралдан бошлаб америкалик модернист шоир Эзра Паунд ёрдами билан “Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили” романимни эълон қила бошладим. Ўша пайтда ёзганларимдан айримларининг тақдири оғир кечган. Чунки мени цензура умидсизликка тушириб қўйганди. 1909-1912 йиллари “Дублинликлар” номли ҳикоялар тўпламимни тайёрлаганим беҳуда кетди. Ирландиядаги нашриёт аввалига мен билан шартнома имзолаб, кейин вақтни атайлаб чўзиб, тўпламни барибир нашр этмади.

– Охир-оқибат, “Дублинликлар” дунё юзини кўрди-ку! Ўшанда ноширларни қандай эсин чалган эди?

– Янги китобимни цензорлар ўтказишмади. Худди ёш ёзувчилар каби менга ҳам рад жавобини беришди. Улар китобни тушунмаган, дадил ва танқидий фикрлардан чўчиган бўлиши мумкин. Ношир эса жамоат босимидан хайиққан. Тўғри-да, унга ватан хоини деган тамғани босувчи ҳикояларни чоп этишдан нима фойда? Китобнинг чоп этилган барча нусхалари ёқиб юборилди. Бундан қаттиқ изтироб чекдим...

Албатта, анча вақт ўтиб, бошқа нашриётда китобим 1250 нусхада чоп этилди. Бироқ булар ҳам барибир китобни тўлиқ босишмади. Ҳанузгача танқидчилар адабиёт меъёрлари асосида асарларимга баҳо бера олмаётганига хайронман.

– “Улисс” унутилмас таассурот қолдирди. Роман етти йил давомида ёзилиб, “Литл ревью” журналида бир

неча йил давомида пешма-пеш эълон қилинди. Унинг юзага чиқиши дунёда адабиёт тушунчасига муносабатини буткул ўзгартириб юборди. Гап келганда, романинг яратилиши хусусида сўзлаб берсангиз...

– Миннатдорман. Мактов эшитиш доим мароқли. “Улисс” – иккинчи роман. Хийлагина семиз китоб. Уни 1914 йилнинг 1 мартидан ёза бошладим, биринчи жаҳон уруши йилларида 20 000 соат вақтим кетди. Қаҳрамонларим - дублинлик яҳудий Леопольд Блум ва ёш ёзувчи Стивен Дедал ҳаёти баёнини тонгги соат саккиздан тунги иккигача қоралаганман. Китобдаги барча воқеалар Дублинда бўлиб ўтади. Ҳар бир эпизоднинг ўрни атрофлича кўрсатилган. Шаҳарнинг ҳар бир детал асарда шу даражада аниқ баён қилинганки, агар Дублин ер юзидан йўқолиб кетса ҳам, китобим орқали яна худди аввалгидек қайта тиклаш мумкин. Романда ёзувчилик маҳоратим, ҳаётий тажрибам, бор адабий усул ва жанрлардан тўлиқ фойдаланишни хоҳлаганман. Барибир бу асар менинг дунёдаги орзу ва интилишларимдан катта эмас.

– Фикримча, асар ҳамма учун эмас. Ҳар қандай одам уни мутлоа қилавермайди. Ҳатто ақл-заковатли кишилар ҳам...

– Эҳтимол, шундайди. Асарда борлиқнинг инсониятгача бўлган даври ва кейинги даврини кўрсатиб беришни мақсад қилгандим. Мен бу асар орқали адабиётга, одамзотнинг касб-корига муносабатини ўзгартиришни ўйладим. Балки асарим фантастикдир. Насрдаги энг оғир шеърдир! Афсуски, асарларим худди одобнома китоблари мисоли ўрганилаяпти. Энг ёмони, буни кўпчилик жиддий қабул қилади. Ҳолбуки... Ҳақиқий эркакча гапни айтмайми? Бу асаримда бирорта жиддий мисра йўқ. Қаҳрамонлар шунчаки вайсақилар!

– “Улисс” бу – “Одиссея” сўзининг латин тилидаги варианты. Асар номи орқали мақсадимга эришман, деб ўйлаганмисиз? Ёки Хомернинг “Одиссея”си сингари адабиётда камёб бўлган эпос яратишни хоҳладингизми?

– Албатта, мен учун Ҳомер, Данте ва Шекспир намуна бўлган. Улар билан ижодий мусобақага кириша олдим, деб ўйлайман. Бироқ замонавий адабиётнинг эпоси фақат роман сингари бир жанр бўлиши мумкин эди, холос. Романинг тузилишидан келиб чиқиб, “Одиссея”дан умумий қолип олинган, деб ҳисобласа бўлади. Айлантриб ҳикоя қилиб бериш ҳам ундан юккан бўлса керак. Очиғи, мен аниқлик борасида унга эргашганман. “Улисс” Хомернинг “Одиссея”си билан ўзаро алоқадор. Асардаги 18 воқеанинг “Одиссея”да келтирилган воқеалар билан ўзаро ички боғлиқлик жиҳати бор. Ўзаро уйғунлик мазмунда, мавзуда ва моҳиятда ҳам сезилади. Романдаги аксарият қаҳрамонлар Хомер поэмасининг прототипларига ўхшайди: Блум – Одиссей, Стивен – Телемак, Молли Блум – Пенелопа ва ҳаказо. Такқосни яна давом эттирсак, “Ўтакетган” номунаносибликни ҳам кўриш мумкин. Хомер “Одиссея”ни бошқа давр ва маконларни кезиб яратган. “Улисс” қаҳрамони эса куни бўйи Дублин кўчаларида ҳеч бир иш қилмай, санғиб юрадиган оддий одам. Хомерда Пенелопа – аёлнинг вафодорлик тимсоли. Молли Блумнинг иши эса хиёнаткорлик. Аслида, “Одиссея” ва “Улисс” бир-бирига сира ўхшамайди. Масалан, Одиссей юнон, Блум эса яҳудий. Агар ҳаммасини айтиб берсам, асарнинг боқийлиги қолмайди. Романда шунчалик кўп жумбоқ ва тилсимлар борки, улар ҳали олимларнинг бошини яна юз йиллаб оғритади...

Инглиз тилидан таржима.

— Бирор нарсани тинмай инкор қилаётган кишида ўша нарсага маъlum маънода ишонч бўлади. Адабиёт ҳам қай маънода инкор ёки тарғибдир. Адабий эътиқод, деганда қўнғилдан нималар кечади?

— Қаламга олинаётган мавзу, объектининг ўзиёқ муаллифнинг ўқувчига уқираётган ғоясини билдиради. И.Буниннинг “Антоновка олмалари” деган ҳикоясини ўқиган чиқарсиз. Ғоясизликми, нимадирдай туюлиб кетади. Ёзувчи рус ерларини, анди-афанди одамларини, керак бўлса олмая боғларини батафсил, бир оз эзмалик билан тасвирлайверадики, барибир ёзувчининг ўзгача бир муҳаббатини ихтиёрсиз суратда пайкаб турасиз. Аслида ғоянинг ўзи шу: инсонга, ҳаётга муҳаббат!

Айтматов ижодига батафсил сер солганда жаҳолатни буткул қоралганини, Маркесда эса диктатурага, зўравонликка жон-жаҳди билан қарши турганини сезасиз. А.Кодирийда дард, севги — бари изчил аллоҳда уйғунлашиб миллий заминга чуқур ботиб кетганини кўрамиз. Одамлар, Қумушнинг “гунгурт қора” сочи, Ўзбекиймдай ховлиқма бир хотиннинг ҳадеб оила шаънини иддао қилавериши. Юсуфбек ҳожининг ҳамма нарсага ақли етгани ҳолда истагини амалга оширишга мўдм қўли қалта келавериши, Отабекнинг буткул аҳволоти — бари реаллик, жонли ҳаёт, энг муҳими, ўзимизнинг реал ҳаёт.

Назаримда, сўзни беҳуда исроф қилмаслик бугун адабиётда тагин кун тартибига чиқаётган. Образларимиз жуда кўп гапирадиган вайсақиларга айланиб бормаяптими? Тушунарсиз ҳолатни тушунириб берамиз деб ўзимиз ҳам обдон уриниб ётганга ўхшаймиз. Биз Европа, Лотин Америкаси адабиётини бир қадар ўқиямиз. Уларга очик юз билан қарашимиз керак. Профессионализмни, ҳолат, сўз, фикр, манзарани қай тарзда ифодалашни барибир ўрганишимиз лозим.

Баъзи бир ёзувчиларимиздаги зўракиликни, нотабий — сунъийликни кўриб, руҳий кучларига ҳавас қилган ҳолда, даҳолик табиийликка даҳлдор эканига иқроор бўлавераман. Низомий Ганжавий “Ҳамса” ёзиш учун 20 йил даҳлат тепасида чилла ўтириб сўз битгани ҳақида ривоят бор. Навоий бобомиз эса, атиги икки йил бадалида энг мукамал беш достонини битди.

Баъзан ҳаётдан адабиёт кучли бўлиши мумкин. Навоийнинг ижоди ҳаётдан кучли. Эртанги кунни муносиб башорат қила олувчи асарлар ҳам бугунги ҳаётнинг ислохотига ишорат қилади. Бу жиҳатдан ҳам ҳазрат Навоийга таъзим бажо қиламиз.

Шиддатли давр оқими ҳам даҳоларни юзага чиқариши мумкин. Урушлар, инқилоблар, чексиз зулм ва мусибатлар ҳам истеъдодларни пайдо қилади, албатта. Чунки бекиёс нафрат ҳам одамзотга тийиксиз руҳий қувват бера олиши табиий. Шолоховдай гениал адибни мен давр, давр билан боғлиқ ўзининг тақдири пайдо қилди, деб ўйлайман. У колхозлаштириш (“Очилган кўрик”), инқилоб (“Тинч Дон”), уруш (“Улар ватан учун жанг қилдилар”) тўғрисида асосан учта асар ёзди ва тарихда қолди.

Навоий бобомиз эса ўзаро майда уруш, низолар даврида яшаса-да, қўлига қилич олиб уришмади. Дўсти Хусайн Бойқаро ҳомийлигида асосан тинч яшади. Бу унинг даҳоси юксалишида ва намоён бўлишида юксак имкон ҳам бўлди.

Бизнинг ўттиз йиллик Мустақиллик тарихимиз ҳам кам муҳлат эмас аслида. Бундай осойишта, тўқис шароит ҳам ўз бағрида улуғ ижодкорларни етиштираётган бўлса ажабмас. Бу ҳам табиий ва қонуний ҳолат. Саволга қайтиб шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозим: аввал ёзувчининг ўзида эътиқод

бўлсин. Яъни, қалбидаги Худони танисин. Бошқалари бундан кейинги юмушлар. Бировни ахлоқсизликдан, гуноҳдан тийил, деб айтиш учун ушбу сўз эгасининг ўзи иймон-эътиқоди бардам бўлгани тузук-да. Бир вақт мен “ЎзАС” газетасида Б.Каримнинг “Далойил” ўқиётган Юсуфбек ҳожи” деган мақоласини ўқиб эдим. “Далойил”-ни маълум бир даражага етган олим инсонларгина маъзини чақиб муталаа қиларкан. Бу энди ўз-ўзидан Қодирийнинг даражасини ҳам белгилайди.

— Кишиларимизни, айниқса, техник тараққиёт ва ёпирилиб келаятган “оммавий маданият” бўҳрон-

қолган бир “тўда” пайдо бўлди. Қўйиб берсанг, тўшак воқеасини ҳам шеърга, қўшиққа солади. Ўқимаслик улар учун фазилат. “Фалон қўшиқчи менинг шеъримни айтаяптими, демак, зўрман”, дейди. Дарахтни силкитсанг, пишгани тушади. Хом, етилмагани жойида қолаверади. Табиат ўзи ҳар нарса учун андоза бериб қўйибди-ку.

— Ғарбда чинакам адабиётга бўлган талаб ва эътибор жуда ночор, деб эшитаман. Бугун ёшларга, адабий жараёнга ўзимиздаги муносабат тамоман бошқа. Шундай бўлса-да, йилига камида ўн та етук роман, йигирмалаб қиссани журналхонларга

қирган бир инсонга “Толстой деган ёзувчи асарларини биласизми?”, деб савол бериб, елка қисганидан хайрон қолдим. “Балки Толстой деб эшитгандирсиз?” десам, яна ўша ахвол. Рус тилини билмасиз, шунинг учун эшитмаган чиқарсиз”, деб ёлғондан вазиятни юмшатишга уриндим, унинг мақтанганнамо “умуман билмайман” дейишини кўриб негадир ўзимни ҳам ёмон кўриб кетдим: шунча тиришиб-тирмашиб ёзиб ётган адиблар аслида лайлак ҳайдаб юрган экан-да... Тўғриси айтмай: у инсон олий маълумотли эмас, бироқ ўрта махсус таълим эгаси, мактабда дарс беради.

Бунақа жоҳилларни кўрганда дилинг хуфтон бўлади. Адабиётга даҳлдор нашрлар, алалхусус, журнал-газеталарнинг жами тиражи 25 минг нусхага ҳам бормайди. У ёғини сўрасангиз, Россия адабий нашрларининг аҳволи бизникдан анча хароб. 150 миллиондан ортиқ халқ яшайдиган Россиядаги нуфузли “Дружба народов”, “Новый мир” журналларининг адади бизникдан анча кам. 1988 йилги бир маълумот эсимда: Бутуниттифок журнали ҳисобланмиш “Юность”ники 400 мингтага етмагани ҳолда “Ёшлик” журналининг адади 800 минг нусхадан ортиқ эди. Демокриманки, китобхонлик масаласи ҳамма жойдаги муаммо, лекин ўзбеклар ҳеч вақтда адабиётдан йироқлашиб кетмаган. Бизда тинимсиз суратда китобхонлик ва маънавий тадбирлар — уларда шоир-ёзувчилар, уларнинг асарлари, адабиёт тарғиботи масаласида гап бўлгани боис оммалашувига таъсири бор, албатта.

— Ҳозирда нашриётларимизда бешинчи синф ўқувчисининг шеърини тўплами ҳам, Навоийнинг тўла асарлари ҳам нашр этиляпти. Буни “Майли-да, ёмон йўлга кирмай шеър ёзса, яхши-ку”, дея баҳолайдиганлар ҳам бор. “Ёшлик”, журналнинг “Неварақулча”, “Биринчи учрашув” руқияларида берилаётган асарлар даражасида ҳам гоҳо ўша “Майли-да...” дегандек муносабат кўриниб қолади... Тўғри, бу катта “мавзу, аммо...

— Навоий даврида “Ёшлик” журнали тугул манаман деган шоирлар шеърларини жамловчи баёзлар ҳам йўқ эди. Китоблар сони ҳам ҳаттотларнинг қўл меҳнати ва заҳматига боғлиқ экани уларнинг нусхалари жуда кўп бўлмаганидан, демакким, асосан хослар ўқиганидан далолат беради. Ҳазратнинг ўзи қолдирган маълумотларга кўра, ўша вақтда Мовароуннахрнинг ўзида юзлаб етук шоирлар баравар ижод қилишган, нафис мажлислар тез-тез бўлиб турган. Шундоқ экан, саволда энди: Кимлар қолди?

Бугун аниқ статистик маълумот олишга бошингиз қотар, бироқ минглаб шоир-ёзувчилар ижод қилаётгани ва улар учун юзлаб матбуот минбарлари, яна юзлаб нашриёт эшиклари очик тургани ҳам бор гап.

Бу яхшими, ёмонми? Аввало, яхши дейишимиз керак! Чунки рағбат бор, сўз айтишга эҳтиёж бор. Конституциямиз белгилаб қўйган сўз эркинлиги мавжуд. Бу эркинлик юз йил давомида бўғиб ҳам келинган эди-ку. Ватан ҳақида шеър ёзишдан аввал, албатта, халқлар дўстлиги масаласини ўйлашинг керак эди. Қалбингда Ўзбекистонни севсанг ҳам шеърингда шўрони қуйлашинг керак эди.

Вақти-замони келиб Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовга муносиб издошлар етишиб чиқишининг ўзи катта гап. Бизда муҳими ижодий пойдевор, база бор, давлат етарли шарт-шароит яратди. Яхши асарлар ёзиш керак, ҳолос.

Шодмонқул САЛОМ
суҳбатлашди.



Ёзувчи Собир Ўнарни “Чамбилбелнинг ойдаласи”, “Дунё шундоқ турурму?”, “Биби-со-ра”, “Ака-укалар” сингари бир қанча қисса ва ҳикоялари орқали ўз оҳанги, ифода йўсинига эга бўлган истеъдодли адиб сифатида биламиз. Унинг асарларидаги кенглик, ҳулиқ-атворнинг бениҳоя ўзбеконалиги, табиийлигидан завқ туямиз. Гоҳо муаллиф ва қаҳрамонлар тилининг аралашиб кетишидан озорланамиз ҳам. Аммо илҳом ва айтмоқчи бўлган фикр залвори ўқувчини ўз ўзанига тортиб кета олади.

Адиб билан ёзувчи масъулияти, ижодий жараён сир-асрори, бадиий маҳорат масалалари, шунингдек ижодкорнинг жамиятдаги ўрни хусусида суҳбатлашдик.

ларига пок, ишонувчан назар билан қараб турган ёшларни китобга, яъни эзгуликка қайтаришдек долзарб муаммо бугунги кун адибини ҳаммадан ҳам кўпроқ безовта қилса керак...

— “Оммавий маданият” деган гапни ўзимиз кўп ишлатсак ҳам унинг таъсири ва бўлғуси асорати ҳақида етарлича жон қуйдирмаётганга ўхшаймиз. Энг ёмони — ҳиссизлик. Ғарбда балки ирғишлаб ўйнамоқ аввалдан одатдир. Американинг аввал-бошдаги эгалари ҳиндулар ҳам ўз одатига кўра ирғишлагандир. Бу энди унинг феъли, ўрганган расми. Бора-бора тор, енгил, қалта кийимлар урф бўлиб, ҳаракатлар ҳам бир қадар такомил топган кўринишга кириб, бўқсани ликиллаштириш даражасига чиқди. Ўғлимиз ё қизимиз базм ёки дўстининг тўйида чучмал қўшиқчининг чучмал қўшиғига бояғидай ликилловчи ҳаракатлар билан ўйнаб кетса “оббо” дейиш ўрнига қувватлаб турамиз. Тутуруқсиз қўшиққа бефарқлик у ёқда турсин, уни тарғиб қилишга ҳам киришиб, бу ҳам етмагандай чапак чалаймиз. Мақом, лирик қўшиқлар яхши, қолгани бекор дейишимиз ҳам маҳдудликдир, балки. Дунё эстрада юлдузлари, хусусан Майкл Жексон ижодида ҳам эзгуликка, инсонийликка даҳлдор нималарнидир кўрамиз. Ўзимиздаги эстрада қўшиқларида одамга ёқувчи ритмика, авж, эркалаш, севги, халқона оҳанг ҳам бор. Бошдан-оёқ шаталок отишга мўлжалланмаган. Биргина Ботир Зокировни эсланг...

Мухаммад Юсуф қон-қони билан халқчил, туғма, эркалиги ўзига ярашган шоир эди. Шеърятда эса М.Юсуф раҳматликнинг чўнтагидан тушиб

тақдим этаётган “Жаҳон адабиёти”, адабий асарлар тарғиботида етакчи бўлган “Ёшлик”, “Тафаккур” журналларининг жами нусхаси эллик минг ҳам чиқмас-ов. Ғарчи, дунёнинг бирорта нуқтасида биздагидек мамлакат миқёсида маънавият тадбирлари, китоб байрамлари бўлаётгани йўқ. Бу ҳолни қандай изоҳлайсиз?

— Замонавий давлатчилигимизда маънавиятга, унинг ўзак-асосини ташкил этувчи адабиётга ўта муҳим йўналиш сифатида қаралиб, давлат раҳбарининг ўзи ҳомий бўлиб туриши бирон жойда йўқ. Президентимиз аввал-бошдан теран маънавий илдизларимиз, улуғ аждодларимизнинг бой меросига эҳтиром, улардан ёшларимизни маънан баркамол, эътиқодли қилиб вояга етиштиришда кенг фойдаланиш, дарс соатларига киритиш сиёсатини юргизиб келади.

Мана, Ғарб мамлакатларини олинг. Ғарбда чинакам адабиётга бўлган талаб, эътибор ночор деб секин айтаёйсизми — умуман бўлмаган. Уилям Фолкнер кун кўриш, тирикчилик ўтказиш учунгина кинога мослаб роман, киноқиссаларга қўл уриб турган. Ўша асарлари жуда тез тарқалиб, қўлига мўмай пул ҳам қирган. Лекин вақт ўтиб тагин жиддий адабиёт билан машғул бўлганида яна эътибордан қолган...

Достоевский энг машҳур романларини ҳам буюртма билан — аввал қалам ҳақини олиб, сўнг ёзишга киришган дайтлари бўлган.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллар китобхонлиги билан бугунгисини таққослаб бўлмайди. Яқинда 28 ёшга



Сардоба туманида янги масжид фойдаланишга топширилди

Сардоба тумани «Юртдош» маҳалласида жойлашган Алишер Навоий жоме масжиди фойдаланишга топширилди.

2022 йил 9 та масжид қурилиши белгиланган. Рамазон ойи арафасида 2 та масжид, яъни Гулистон туманидаги «Шодмонхўжа» масжиди ва Сардоба туманидаги Алишер Навоий масжидлари қайтадан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Ховос туманидаги «Бўстон» ва Сирдарё туманидаги «Саид Аскархон Тўра» масжидлари ҳам очилди. Айни пайтда вилоятдагимасжидлар сони 76 тага етди. Жорий йил Рамазон ойида 73 та масжидда тарових намозлари ўқилади.

Сардоба туманидаги янги масжидни топшириш маросимда вилояти ҳокимлиги котибият мудири В.Тўйчиев,

Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг Сирдарё вилоятидаги вакили - вилоят бош имом хатиби, Ҳ.Зокиров, туман имом хатиблари ва маҳалла вакиллари иштирок этишди.

Алишер Навоий жоме масжиди қурилиши 2020 йилда бошланган бўлиб, унга Ўзбекистон Мусулмонлари идораси савий-ҳаракати билан «Вақф» хайрия жамоат фонди ва ҳомийлар маблағи жалб қилинган. Масжид 700 нафар намозхонни ўз бағрига сиғдира олади.

Суратларда: янги масжид очилишидан лавҳалар. Ф.Тошматов олган суратлар.



Энг керакли бойлик

Инсон ўз ақли билими билан, барча қийинчиликларни енгиб, утишига қодир. Билим эгалари, ҳаммиса элда, азиз бўлганлар, ва ҳурмат қозонганлар. Мамлакат ишига нафи тегадиган кишилар аввало, билимли ва донишманд бўлиши лозим. Жаҳонда билимдан азиз нарса йўқки, инсоният ривожига у каби улкан ҳисса қўша олса. Шу сабабдан ўз илми орқали юксак ютуқларга эришган қомусий олимлар Ибн Сино, Муҳаммад Ал-Хоразмий. Абу Райхон Берунийларнинг яратган, асарлари нафақат юртимиз тараққиёти балки жаҳон илм фани ривожига ҳам катта ҳисса қўшган.

Жавҳарбек ИСМОИЛОВ.

ЭЛ НЕТИБ ТОПГАЙ МЕНИКИМ...

Жамият мавжуд экан азалдан одамларни асосан икки тоифага яхши ва ёмонга ажратиб келганлигига шохидмиз. Бироқ кишиларни яна икки тоифага олим - одамлар ва одам - олимларга ажратиб ўрганиш мумкин экан.

Халқимиз томонидан айтилган олим бўлма, одам бўл, - деган пурҳикматининг зиддини фалон академия раиси, фалон-фалон уюшмалар аъзоси, фалончи фанлар доктори, профессор, бир канча асарлар муаллифи... - дея таъкидланган айрим алломаларнинг одамийлик сабоқларидан бебаҳра эканлигида қўришимиз мумкин. Бу каби олимларнинг баъзилари қилган ишларидан жамият ҳам, муайян гуруҳ ёки тоифа инсонлар ҳам наф қўрмаган. Аксинча, улар барча ишларини ўз манфаати учун қилган, - деган ҳаёлга боради киши.

Жамият ҳаётида шундай одамлар борки, уларнинг ҳеч қандай рутбаси, ҳеч қандай унвони ва ёки мансаби йўқ. Лекин улар томонидан амалга оширилган, қилинган ишлар ўзи учун ҳам, инсонлар учун ҳам, жамият учун ҳам манфаатли бўлади. Бундай кишилар халқимиз томонидан доимо ардоғда, эътироф ва эҳтиромда.

Юқоридаги фикрлардан



қўринадикки, одамлар бор олимлик излайди, одамийликдан бебаҳра қолади, одамлар бор одамийлик излайди, олимлик уларни ўзи топади. Буни эл орасида “устоз”, “окин”, “мулла”, “шайх” каби ҳурмат билан тилга олинadиган инсонлар мисолида қўришимиз мумкин.

Бу ўринда ҳазрат Навоийнинг - Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам, - деган ҳикматли иборасини ҳар биримиз ўзимизга дастак қилишимиз, ҳар биримиз ўзимиз учун эмас, қилаётган ишларимизни аввало одамийлик сабоқларидан келиб чиқиб, инсон ва халқ манфаати учун бажарсак, - олимлик даражасига халқнинг ўзи етиштираб қўйишини ёдда сақлашимиз лозим.

Баҳром БОЙМУРОДОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 710-сонли қарорига асосан Республикаимизда 2023-йил 1-25-ноябр кунлари **АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛАДИ.**

Фуқаро Мирзабеков Бахтиёр Джуманазарович номига Оқолтин РИБ (ТРИБ) томонидан 2001 йилда берилган ААА 0572380 рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Сарибоева Юлдуз Ойбек қизи номига Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази Гулистон филиали томонидан 12.03.2018 йилда “ДСЭНМ врачлари ёрдамчиси” бўйича 432 соат малака ошириш цикли бўйича берилган сертификат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Хикматова Умида Юлдашбаевна номига Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази Гулистон филиали томонидан 17.12.2020 йилда “ДСЭНМ врачлари ёрдамчиси” бўйича 432 соат

малака ошириш цикли бўйича берилган сертификат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Яхшиликowa Маърифат Қўшбоқ қизи номига Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази Гулистон филиали томонидан 24.03.2021 йилда “Ҳамширалик иши” бўйича 288 соат малака ошириш цикли бўйича берилган сертификат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Жўрабоев Иномжон Алижон ўғли номига Янгиер шаҳридаги 3-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2020 йилда берилган УМ 0586235 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Атабекова Дилрабохон Назиржоновна номига Гулистон туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1993 йилда берилган ВУ 408317 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Қўчқоров Мардон Мелс ўғли номига Сардоба тумани касб-хунар мактаби томонидан 2017 йилда берилган К 4727462 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Саидхўжаева Маржона Умиджон қизи номига Янгиер шаҳридаги 4-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2020 йилда берилган УМ 0586320 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Баҳромов Диёрбек Баҳромжон ўғли номига Боёвут туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2021 йилда берилган УМ 1026757 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Иноятқуов Сардорбек Эркинжон ўғли номига Боёвут саноат касб-хунар коллежи томонидан 2014 йилда берилган К 8505333 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Турсункулов Мухриддин Баходир ўғли номига Боёвут қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи томонидан 2020 йилда берилган УҒ-АА 003687 рақамли тракторчилик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Баҳрамов Диёрбек Хикматилло ўғли номига Оқолтин туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2020 йилда берилган УМ 0592234 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ардоқли шоир Тўра Сулаймон 1934 йил 15 февралда Бахмал туманида туғилган. Ўзбекистон халқ шоири (1999). Тош-Дунийнинг ўзбек филологияси факультетини тугатган (1964). Ижоди 50-йилларда бошланган. Илк шеърлар тўплами — «Истар кўнгил» (1962). «Мен қайга борар бўлсам» (1965), «Жаҳонгашта» (1970), «Хамқилиқларим», «Интизор» (1973), «Сирдарё қўшиқлари» (1974), «Илтижо» (1976), «Ал-хазар» (1976), «Тўйбоши» (1977), «Сизни эслайман» (1980), «Қорақўзгинам» (1981), «Гулишан» (1988), «Сарвиноз» (1990), «Харсанг» (1994), «Жаҳоннома», «Гул бир ён, чаман бир ён» (1996), «Ёвқочди» (1998), «Сайхон» (2003) каби асарлар муаллифи. Кўплаб шеърлари қўшиқ қилинган. Публицистик мақолалар тўплами ҳам бор («Мамлакатнинг таянч нуқтаси», 2004). 2005 йил Гулистон шаҳрида вафот этган.



Илтижо

Баҳор келса, бошланур богда булбул хониши,
Саъва, қумри нағмаси, суралай товланиши.
Қирларда лола сайли, қишлоқларда йилбоши,
Тўхтагай табиятдан ҳаққушлар зорланиши,
Баҳор, кетма менинг богимдан.

Қилмиши қингир зотга давр қайда, даврон қайда?
Ватангадо кимсага беминнат макон қайда?
Ёлғиз отга оламда ном қайда, нишон қайда?
Баҳор, сенсиз сахрою тоғу тошга жон қайда?
Кетма, Баҳор, менинг богимдан.

Ўлмасликка ишора — ўланга ошиқлигим.
Саодатга ишора — замонга ошиқлигим.
Теранликка ишора — уммонга ошиқлигим,
Гузалликка ишора — бустонга ошиқлигим.
Баҳор, кетма менинг богимдан.

Бу кун қай бир ерда қиш, қайда хазон резгилик,
Қайларда ёз, қайда куз, қайда жондан безгилик.
Қўқламнинг ҳар нафаси умрга арзигулик
Богсиз, богбонсиз ерда не ҳам қилсин эзгулик...
Кетма, Баҳор, менинг богимдан.

Гиёҳ билан қопланмиш кўҳна қабр бошлари,
Майсадаги шўрринглар — қимларнинг кўзёшлари?
Бу ерда ётар отам ҳам узангидошлари
Ҳар баҳор эслар уни қавми-қариндошлари,
Баҳор, кетма менинг богимдан.

Ёз бўйи қорга зорман, қишда баҳорга зорман,
Чаманда гул бўйига интиқман, интизорман,
Куз келмай хазон бўлган севги, гулдан безорман,
Баҳорсиз ҳам диёрсиз эл ичра беназарман.
Баҳор, кетма, менинг богимдан.

Гул узманг

Гул узманг мен учун, жойида турсин,
Мен дея қасд қилманг шўрлик жонига.
Келинг, бир табассум қилинг яхшиси,
Юрагим айлансин гул маконига.

Гул узманг, гул экинг номимга атаб,
Ховлингиз тўлдирсин ифтор таратиб,
Йиллар аямасдан жонимни олса,
Очилиб турсинлар мени эслатиб.

Гул узманг, яхшиси чаманзор тараф,
Етакланг, қўлимдан оҳиста тутиб,
Фақат биз
иккимиз.....
Бошқа ҳар нени,
Шунчаки, нарсасиз қўйсак унутиб.

Гул узманг мен учун, майли розиман,
Гул билан безаманг ҳар битта кунни,
Ўзингиз бир ўйланг шартмикан ахир,
Гул учун ўлдирини бошқа бир гулни?

Раъно АБДУЛЛАЕВА.

Термалар

Шеър ёзса гоҳ шодланиб, ҳатто
Дунёларга сизмайди шоир.
Очдан ўлса ўлади, аммо
Ҳеч кимга бош эгмайди шоир.

Шамол бўлсанг, тўтолмас ҳеч ким,
Дарё бўлсанг, ютолмас ҳеч ким.
Шоир бўлсанг мавҳ этарлар, ҳай,
Лек шеъринг йўқ этолмас ҳеч ким.

Юртим дардин сезарман,
Бефарқ қасрин бузарман.
Эл дурларин эл учун
Маржон-маржон тизарман.

Малҳам мисол гаплар кўп,
Лек панд ёқмас чаплар кўп.
Гала-говур дунёда
Нафланмаган нафлар кўп.

Ўхшар

Кўйга кўй уланур базм оқишми,
Еру кўк хазонсиз фаслга ўхшар.
Базм оқишми, бу — назм оқишми,
Тўйхона баҳорий сайлга ўхшар.

Меҳнат, муҳаббатсиз кечган умрининг,
Ёмғирсиз булутдай кўчган умрининг,
Шам мисол бир ёниб ўчган умрининг
Мазмуни эскирган нақбга ўхшар.

Ҳаққушга хатарсиз ошён муносиб,
Қўқлам қўшларига чаман муносиб.
Йилит-қизга аҳду паймон муносиб,
Бусиз кўнгил зилу замбилга ўхшар.

Кўёвга вафоли қаллиқ ярашмиш,
Тиллари шакар ҳам болли ярашмиш.
На бахтки, юзлари холли ярашмиш
Келин гулга, кўёв булбулга ўхшар.

Келин қайнонага эш бўлиб юрса,
Бўйқизлар ичинда неш бўлиб юрса,
Таъби равшан вақти хуш бўлиб юрса,
Юрган ери райҳон, жамбилга ўхшар.

Келинчак бор уйнинг кўрки булакча,
Келиннинг кўёвга эрки булакча.
Бошида укпар, бурки булакча,
Сочлари саҳройи сумбулга ўхшар.

Манзил, муроди бир, аҳди бир бўлмиш,
Орзу-ўйлари бир, бахти бир бўлмиш,

Тақдир, талтиниши, тахти бир бўлмиш
Икки ёшнинг йўли бир хилга ўхшар.

Осмонидан ўлан аримас бу эл,
Юзга кирмай эли қаримас бу эл,
Теграсига қазо даримас бу эл
Олтин дарвозали Чамбилга ўхшар.

Умр ўтмоқдадир дарё мисоли

Эсиз, болаликни қолдириб ортда,
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли.
Қолдириб-қолдирмай из бу ҳаётда,
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли.

Оптоқ тонгни улаб тийраи шомга,
Бирда шак келтириб сирли оламга,
Гоҳ таъзим қилиб бадкор, бадномга,
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Қай кезлар ушалмай орзу-армонлар,
Бирда голиб келиб тўлқисмонлар,
Бирда бой берилиб бебаҳо онлар,
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Денгиздай мавж уриб, қирғоқдан тошиб,
Юрар йўлимиздан бирда адашиб,
Ким биландир зимдан мансаб талашиб
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Яратиб не сирлар, не мўъжизалар,
Қутлуг кун кетидан кун ўтказилар.
Беҳуда ўтган дам — кўнгил эзилар...
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Ҳар тонгда тўрғайдан олдин уйғониб,
Чаманлар яратиш ишиқда ёниб,
Бирда-чи: эътиқод, имондин тониб
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Эрта билан боғлиқ — не дамларимиз,
Билиб-билмай босган қадамларимиз,
Хайрли иш, алам, қарамларимиз
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли.

Кексалик мўралаб эшик қоқмоқда,
Болалик қайтадан қайтарилмоқда...
Биздан эрта кунга нелар қолмоқда?
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Ўлмас созни ўйлаб дегинг келмайди,
Ўчмас издан сўйлаб дегинг келмайди,
Мангуликка бўйлаб дегинг келмайди
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли...

Айтаверсанг ёмон тил,
Айтмай десанг тугён дил.
Ўқдай ўтар дунёда
Ҳақ ишларни хирмон қил.

Эй, дўст, эсла кечангни,
Оҳларингни, нечангни...
Мудҳор руҳлар шод бўлсин,
Обод эт қалб кўчангни!

Эшигинг эл очар бўл,
Остонанг гул қўчар бўл.
Зулматлар зулм этолмас,
Бешигинг нур сочар бўл!

Сиртлон бермас сирини,
Мард асрар қалб қўрини.
Чин ошиқлар гул каби
Авайлар бир-бирини.

Офтобсиз тонг отмас ҳеч,
Кун беаҳал ботмас ҳеч.
Ҳатто чарх чанг солса ҳам
Эр киши ер сотмас ҳеч.

Йўл билмасга йўланма,
Эл билмасга эланма.
Мозори ҳам етти ёт
Тил билмасга тиланма.

Чаённинг чўнг захри бор,
Қаттолнинг қирқ қаҳри бор.
Хушёр ҳол ҳам сергак юр,
Мастоннинг минг макри бор.

Сичқон кўзлар ўрани,
Қашиқир пойлар қўрани.
Кўни келса нокас дўст
Чув туширар журуни.

Суюн НОМОЗОВ.

YANGI
SIRDARYO

Бош муҳаррир:
Муҳаммад
ИСМОИЛОВ

Муассис: Сирдарё вилояти
ҲОКИМЛИГИ

2020 йил 25 июнда Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги
Сирдарё вилояти
бошқармасида 10-023 рақами билан
рўйхатга олинган.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Ўринбосар: (67) 225-11-14,
бўлимлар: 225-01-92, 225-01-67,
225-26-53, 225-12-59,
реклама ва эълонлар: 225-15-07.

Тахририятга келган кўл ёзма-лар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.

Газета “Янги Сирдарё” тахририяти компьютер марказида
терибли, саҳифаланди. А3 форматда, 12 саҳифада 3 босма табок
офсет усулида “SHARQ” NMAKда 1500 нусхада чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Миробод тумани, Буюк Турон
кўчаси, 41-уй. Тел.: (71) 233 11 07. Буюртма Г-426.

Бизга ёзинг: 120100, Гулистон шаҳри, Навоий тоҳқўчаси, 30-уй.
E-mail: sirdaryohaqiqati@mail.uz Веб-сайт: sirdaryo24.uz
Telegram: @sirdaryo24 Facebook: sirdaryo haqiqati

Навбатчи:
Б.БОЙМУРОДОВ

Нашр кўрсаткичи 459.
ISSN 2181-5984
Топшириш вақти - 16.00
Топширилди - 23.00
31.03.2022 йил

①—Тижорат материали

Сотувда эркин нархда